БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ЁШ ЛЕНИНЧИ

Газета 1925 йил 8 февралдан чиқа бошлаган

1990 йил 23 октябрь Сешанба

№ 202 (13.638).
Баҳоси 3 тийин.

• ЎЗБЕКИСТОН ЛКЁИ МАРКАЗИЙ ҚЎМИТАСИНИНГ БОШ НАШРИ •



4.745 минг тонна «оқ олтин» — халқимизнинг ризқ-рўзи, бойлиги!

Жумҳурият пахтакорлари йиллик пахта тайёрлаш режасини бажардилар

Ўзига буюрсин

Илгариям шу фикрни айтган жойимиз бўлган. Уни яна бемалол такрорлайвериш мумкин. Минг бир азоб-уқубатда, тунлари ҳаловатсиз ўтгани билан меҳнат муваффақиятидан сўнг деҳқон ўзини қушдек сезади. Хонадонида сезилар-сезилмас енгил муҳит инади.

Шундай бўлиши аслида табиий. Негаки, қиш ойидаёқ гарданига зимма олган деҳқон — беш-олти ой ўтиб ундан халос бўлади. Режа уддаланган куни ҳам руҳан, ҳам жисмонан енгиллашади. Шундоқ кайфиятдан сўнг у қувонмай ким шод бўлсин тағин?!

Шу тариқа жумҳуриятимиз деҳқонлари юрт олдидаги вазифаларини уддаладилар. Тан олмоқ керак. Пахтага тўланадиган ҳақ ошганлигининг таъсири ҳам бор бунда. Ким далага чиққан бўлса билади, ҳар кило пахтага тўланадиган 25 тийиннинг оз-кўплигини. Биз эса юмшоқ ўриндиқларда ўтириб юз кило терса 25 сўм оларкан, деяверамиздa. Йигирма беш сўмнинг азобини бели оғриганларгина билади холос!

Аммо айтиш ўринлидир. Баъзи хўжаликларнинг раҳбарлари шу арзимас енгилликларгаям тўғаноқ бўлдилар! Аниқроғи устомонлик қилишди. Қай тарзда? Масалан, хўжаликнинг йиллик пахта тайёрлаш режаси 30 фоиз бўлгунига қадар ҳар кило хом ашёга 15 тийиндан, 50 фоизгача 20 тийиндан, сўнг пахта озайгачгина 25 тийиндан тўлаганлар ҳам бўлди! Балки, ўшалар бу ишларидан уялишаётгандир. Яна билиб бўладими?!

У эмас, бу эмас, тўрт миллион саккиз юз минг тонна хирмон яратган деҳқоннинг отасига раҳмат. У барибир ваъдасининг устидан чиқди. Ажойиб бир ўхшашлик бор. Деҳқоннинг ҳам феъли даласидек кенг. Саховатли. Йўқса, қайси бир пахтакор билан суҳбатлашманг, «ҳамма нарса бор, шароит етарли», дейдия. Аслида егани нон, ичгани чой, баъзида макарон шўрва.


Майли, ўтган ишга саловат. Энди бу ёғи яхши бўлар. Ҳа, инкор этолмаймиз, хизматчиларга баҳоли қудрат шароит яратган жамоалар ҳам бор. Шулардан бири Задарё ноҳиясидаги «Наманган» давлат хўжалигининг Шамсиддин Шарофиддинов бошчилигидаги бўлимдир. Уларнинг ихтиёрида 700 гектар пахтазор бор. Гектаридан 19 центнерга етказиб ҳосил кўтаришди.

— Чўл шароитида юқори унум-да, бу, — дейди ноҳия ижроқўми раиси Иброҳимжон Собиров. — Илгари бу ерлар қип-қизил дашт эди. Энди эса мажнунтоллар оғушида. Таъкидлаб қўяй. Хўжаликдагиларнинг ҳаммаси ёшлар. Чўлни йигит-қизлар яшартиради-да.


Ижроқўм раисининг гапига озгина қўшимча. Бу ерда иш асосан оила пудрати асосида ташкил этилган. Бўлим пахтакорлари давлатга 1360 тонна хом ашё топширишди. Йиллик режа аллақачон уддаланган.


...Кайфи чоғ бўлган кишига озгина дашном ҳам оғир ботади. Ҳеч бўлмаса бугун тилимни тияй. Ахир қишлоқ аҳлининг тўйида бугун. Базмда маломат тоши отиш... Яхши бир тилак бор. Ўшани айтсакмикин девдим. Ана шу катта хирмонлар эгасига — ўзбек деҳқонининг ўзига буюрсин.


Қурбон АЛИ.











Суратчилар: А. МИРЗАЖОНОВ, В. МОЛГАЧЕВ, Ҳ. ҚУРБОНОВ ва Е. БОТИРОВ.

Шу сонга хабар

Пленум кун тартибида— ташкилий масала

Қорақалпоғистон ЛКЁИ вилоят қўмитасининг пленуми бўлиб ўтди. Ўртоқ А. Абдумажитов Ленинобод ноҳия ижроия қўмитасининг раиси лавозимига сайланганлиги муносабати билан у вилоят комсомол қўмитасининг биринчи котиби ва бюро аъзоси вазифаларидан озод қилинди.

Биринчи котибликка беш номзоддан муқобиллик асосида сайлов бўлиб, илгари вилоят комсомол қўмитасининг котиби бўлиб ишлаган Лепесбай Шербаев биринчи котиб этиб сайланди.

Пленум ишида Ўзбекистон ЛКЁИ МҚ биринчи котиби А. Носиров, Қорақалпоғистон вилоят партия қўмитаси биринчи котиби С. Д. Ниятуллаев ўртоқлар қатнашдилар ва нутқ сўзладилар.

Қойил, «Мулоқот»!

Душанбе шаҳрида «Наврўз» маҳаллий санъат байрами ниҳоясига етди. Унда Қаршидаги «Мулоқот» театр-студияси бир йўла 10 та мукофотни қўлга киритди.

Тўғри, ҳакамлар Тожикистоннинг «Аҳорун» театр-студиясига катта мукофотни бердилар. Кейинги совринг эса ана шу байрамда ўзининг ёрқин истеъдодини намоён этган «Мулоқот»га берилди. Унинг мусобақага олиб келган «Ҳамзанинг номаълум театри» программаси томошабинларда ҳам, мунаққидларда ҳам катта қизиқиш уйғотди.

...Санъаткорлар беллашувининг шовқинли кунлари ўтиб кетди, театр яна ижодий ишга киришди. У Тошкентда бир неча кун бўлади. Бу театр-студия асарларини томоша қилиш учун Авиньон халқаро театр фестивали ташкилот қўмитасидан Италия театр-студиялари уюшмаси вакиллари билан француз мунаққидлари Ўзбекистон пойтахтига атайлаб келишади. Питер Брукнинг ўзи ана шундай учрашувлар ўтказишни тавсия қилган эди. Ўз саҳна асарлари билан жаҳонда донг таратган бу инглиз режиссёри санъатни жуда яхши тушунади.

Э. ТУХВАТУЛЛИНА,
ЎзТАГ мухбири.

ССЖИ Давлат хавфсизлиги қўмитасида

Давлат хавфсизлиги органлари «Прогресс» ширкат фирмасининг президенти бўлиб юрган Шоленбергни Новосибирскда ушлаб, ҳибсга олдилар. У алоҳида кўп миқдорда давлат мол-мулкини талон-тарож қилишда, ҳужжатларни қалбакилаштиришда ва тақиқланган моллар билан савдо қилишда айбланади.

Маълумотларга қараганда, Шоленберг амалдаги қонунларга хилоф равишда буғу шохини сотиб олиб, ажнабий фирмаларга пуллаш мақсадида уни давлат чегарасидан ўтказиш билан шуғулланиб келган. Ғайриқонуний йўл билан олинган валюта хориждаги банкларга жойлаштирилган.

Шоленберг қалбаки ишончнома билан табобатнинг мана шу қимматбаҳо хом ашёсидан навбатдаги катта туркумини чет элга ўтказиб юборишга урингандан кейин унинг жиноий фаолиятига чек қўйилди.

Тергов давом этмоқда.

* * *

ССЖИ Давлат хавфсизлиги қўмитаси ССЖИ Вазирлар Кенгаши ҳузуридаги давлат божхона назорати бош бошқармаси билан биргаликда «Шереметьево» халқаро тайёрагоҳи орқали жуда катта миқдордаги гиламлар, заргарлик буюмлари ва ғоят харидоргир саноат молларини яширин ўтказиш билан шуғулланган уюшган жиноий гуруҳнинг Москва, Ереван, Тбилиси шаҳарларидаги аъзолари фаолиятининг пайини қирқди.

Жиноий гуруҳ аъзолари Ички ишлар вазирлиги ва божхонанинг айрим вакилларини ҳуқуққа зид фаолиятига жалб этган эдилар.

Чекистлар ва божхона ходимларининг биргаликдаги куч-ғайратлари ёрдамида, шунингдек, тергов жараёнида уларнинг ўзаро жиноий алоқалари фош этилди. Мамлакат иқтисодиётига ва нуфузига жиддий зарар етказган жиноятни тайёрлаш ва амалга оширишнинг аниқ манзаралари ҳужжатлаштирилди.

Иш юзасидан 22 киши қамоққа олинди, улардан қонунга хилоф равишда тўпланган пуллар ва салкам бир миллион сўмлик қимматбаҳо буюмлар тортиб олинди.

Иш юзасидан тергов тугалланди, материалларни ССЖИ прокуратураси судга топширди.

БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИ БЎСАҒАСИДА

Иттифоқ Енгил саноат вазирлигидан Чирчиқдаги «Ғунча» тикувчилик фабрикасига шошилинч хабар келди. Унда мазкур корхона январь-сентябрь режаларини бажармаганлиги учун жарима билан жазоланмаслиги хусусида фабрика раҳбариятига расмий равишда хабар берилганди. Маҳсулот етказиб берувчилар — РССФЖ, Белоруссия, Арманистон, Қирғизистон корхоналарининг айби билан топшириқлар барбод бўлган эди.

Болалар кийим-кечакларининг танқислиги — мамлакатимизнинг оғир дардга йўлиққан иқтисодиёти натижасидир. Чирчиқлик чеварлар шу йилнинг баҳоридаёқ бозор иқтисодиётига бир тийин ҳам фойдасиз ўтишларини тушунган эдилар. Улар ССЖИ халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасида шартномалар тузиш юзасидан ўтказилган жумҳуриятлараро ярмаркада Фрунзе камвоьл комбинатидан атиги 600 минг метр газлама «ундиришга» муваффақ бўлдилар. Аслида эса бир миллион 600 минг метр керак эди. Машҳур «Трёх горка», Глухов ип-газлама комбинатлари газмол етказиб беришни муттасил барбод қилишмоқда.

Шу ҳам шерикчилик бўлдими?

— Хом ашё билан бир маромда таъминлаш учун турли-туман шартларни айтишмоқда, — дейди фабрика директори Т. Люкшина. — Лекин бу шартларнинг бирортаси жамоамиз учун мақбул эмас. Масалан, ўша «Трёх горка»дан шундай таклиф келди: юборилган газламалар эвазига у ерга тайёр маҳсулот жўнатишимиз керак эмиш.

«Ғунча» бутунлай маҳсулот етказиб берувчиларга боғланиб қолган. Чирчиқликлар жун ва ип-газламанинг 60 фоиздан ортиғини РССФЖдан олишади. Жумҳуриятлар мустақиллиги эълон қилиниши билан шериклар ўртасидаги алоқаларга путур ета бошлади. Қизиғи шундаки, иқтисодий мустақилликни шу жойнинг ўзи билангина боғлиқ қилиб қўймоқдалар.

Фабриканинг оғир аҳволи, табиийки, чеварларнинг маошига ҳам таъсир қилмоқда. Ҳозир уларга бериладиган мукофот пули 10 фоизгача камайтирилган. Корхонада газламалар етишмаслиги сабабли ишлаб чиқарилаётган маҳсулот турларини ўзгартиришга, савдо билан тузилган шартномаларни барбод қилишга мажбур бўлишмоқда. Ваҳоланки, буларнинг ҳаммаси меҳнат унумдорлигига, олинадиган фойдага таъсир қилади. Хўш, аҳволдан қутилишнинг қандай йўли бор? Уз маҳсулотлари нархини кескин оширган бошқа корхоналарнинг синалган йўлидан бориш керакми?

Фабрикадагилар бу таклифни қатъиян рад этишди. Чунки корхонада асосан хотин-қизлар, оналар меҳнат қилишади. Бу ерда болалар буюмлари нархининг оширилишини ижтимоий худбинликдан бошқа нарса эмас, деб ҳисоблашмоқдалар. Бироқ, ношуд маҳсулот етказиб берувчилар қачон ишни уддалашаркин, дея кутиб ўтиришга эса вақт йўқ. Маҳсулот таннархини камайтириш учун «Ғунча»нинг Паркентда ишлаб турган кичик бўлимидан воз кечишмоқчи. Лекин афсуски, бу тадбирлар кутилган самарани бермайди. Шунинг учун ҳам, «Ғунча»чопарлари аввал бўлганидек, ҳозир ҳам маҳсулот етказиб берувчилар ҳузурига боришмоқда, улардан газлама ортиб жўнатишни илтимос қилишмоқда. Ахир, ишлаб чиқаришни тўхтатиб бўлмайди-да!..

(ЎзТАГ мухбири).
Тошкент вилояти.

Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотига номзодлар

«ТАРОНА» ОҲАНГЛАРИ

ЎЗБЕКИСТОН Ленин комсомоли мукофотига номзодлар рўйхати эълон қилинган рўзномада «Тарона» дастаси ҳақида «Қорақалпоғистон халқларининг қадимий миллий маданиятини тиклашдаги хизматлари учун» деган сўзлар ёзилган.

Биз даста фаолияти билан танишиш ниятида унинг раҳбари Тамара Худойназаровани суҳбатга тортдик.

— Яхшиси, гапларни қўятуриб, концертимизни бир томоша қилинг, — дедилар у киши.

Шундай қилиб, танишувимиз бевосита даста концерти билан бошланди. Т. Худойназарованинг ёруғ юз билан мусиқа-қўшиқ тинглашга таклиф қилганича бор экан. Бир мен эмас, юзлаб томошабинлар дастанинг аъзолари чиқишларини олқишлар билан қаршилашди. Айниқса Б. Султонов, Т. Худойназаровалар ижро этган «Савти сувора», «Феруз» қиёмига етказилиб ижро этилганидан тингловчилар беҳад мамнун бўлдилар.

Бу ашулалар ижро этилганида отахон-онахонлар, ҳатто классик миллий санъат дурдоналарига тушуниб етмаган йигит-қизлар тўла зал ҳаяжондан жумбушга келди. Ҳақиқатан ҳам бу мураккаб ашулаларни оғир йўлларига солиб, маромига етказиб куйлашни манман деган санъаткорлар ҳам баъзан эплаша олмайди.

Жамоа йигит-қизлари ижросидаги Хоразм мақомлари ва лапарларида қадимий анъанага таянган, халқчиллик, миллий руҳ асраб қолинганлигини тан олмай иложингиз йўқ.

Азамат Абдураҳмонов, Бахтиёр Султонов, Шоназар Абдукаримов, Меҳрибон Матёқубова, Рисолат ва Новотжон Абдукаримовалар, аввало мухтор жумҳурият ноҳиялари, сўнгра жумҳурият вилоятлари халқ ашула ва рақс дасталарлараро ўтказилган конкурсларда муваффақиятли қатнашиб, лапарчиликдан юксак маҳоратларини намойиш қилишганди.

Муяссар Жабборова раҳбарлигидаги олти нафар дилбар қизларнинг ашула ва рақсларидан тузилган гулдасталарини кўриб кўзингиз қувнайди. Бежирим, жозибали рақсларда ўзига хослик намоён бўлади.

Бастакор-хонанда Бахтиёр Султоновнинг мард, матонатли инсонлиги алоҳида таъкидлашга арзирли, деб биламан. Табиат у кишига битмас туганмас бахт — яхши овоз ато этган. Кўзлари ожизлиги бу фидойи одамга ҳеч қачон халақит бермаган. Интилиб изланишлари, яхши ижодкорлиги туфайли қорақалпоқ элининг севимли санъаткорига айланган.

Бахтиёр ака зўрма-зўраки енгил-елпи айтиладиган қўшиқлардан қочади. Осонлик билан эришилган муваффақиятларга тоби йўқ инсон. У ўзбек классик оҳангларидан, замонавий мусиқаларни фарқлай олар, уларни ўз ўрнида қўллашни уддаларди. Саҳнада ўзи куй басталаган «Қулоқ сол» ашуласини айтар экан, хонанданинг овози ниҳоятда ёқимли, ширали эди. Умуман жамоанинг ҳар бир аъзоси ҳақида гапирсангиз, бир дунё таъриф.

Тўрткўл ноҳияси маданият бўлими қошида ташкил этилган «Тарона» 20 нафар иқтидорни ўзида мужассам этган. Улар жаҳонга донг таратмасалар-да, ҳозирда ҳалокатлар билан юзма-юз турган юрт аҳилларини хурсанд қилиб, дилларига хушнудлик бағишлаб юришибди.

Халқ назари зийрак, минг юқорига талашиб тирмашманг, барибир пучагини-пучакка, сарагини саракка ўзи ажратиб олади. Ҳурмат қиладиганини ҳурмат қилади, меҳри тушганини эъзозлайди.

Эл олқишига сазовор, ўз касбини севиб ардоқлаган яхши санъаткор учун, менимча ҳар қандай унвон, лауреатликлар муҳиммас, иккинчи даражали нарса. Улар шон-шуҳратнимас, аксинча шон-шуҳрат уларни қувади.

Қисқагина танишув давомида меҳримиз тушган «Тарона» дастаси аъзоларига эл меҳрига доимо ошно бўлишни тилаймиз.

М. ҚУРБОННИЁЗОВА,
«Ёш ленинчи» мухбири.



Суратчи: Ж. ҚОЗОҚОВ.

Ибратли тадбирлар



Барно Актабаева Тошкент шаҳридаги
246-мактабнинг
11-синфида ўқийди.
Шунингдек, у дарсдан бўш вақтларида
Киров ноҳияси 5-поликлиникаси
қошидаги
Меҳр-шафқат уюшмасида
кичкина ҳамширалик хизматини
ҳам бажаради.
Яқинда «Меҳр-шафқат» ҳамширалари
ўртасида
1-шаҳар конкурси ўтказилди.
Кичик ҳамширалар тиббий
ёрдам кўрсатиш,
беморларни парвариш қилиш,
овқат тайёрлаш,
қўшиқ, рақс, бадиий ўқиш
маҳоратларидан беллашдилар.
Барно Актабаева конкурс шартларини
бекаму кўст бажариб шоҳсупага чиқди.
Мусобақада йигитлардан ягона
иштирокчи
Дилмурод Соатов эса 2-ўринни олди.
Тошкент Давлат тиббиёт билимгоҳи
қошидаги
тиббиёт билим юрти III курс
толиби Дилмурод
С. Раҳимов ноҳияси 33-поликлиника
Меҳр-шафқат уюшмаси хизматчиси.
Ғолиблар
шаҳар Қизил ярим ой
жамияти мукофотларини олишди.

СУРАТЛАРДА:
1. Барно Актабаева «Меҳр-шафқат» маликаси.
2. Д. Соатов фахрий ёрлиқ ва совғалар билан тақдирланмоқда.

Р. АЛЬБЕКОВ суратлари.



Гулчеҳра АЛИБОЕВА — Гули ЧЕҲРА. Унинг «Ёш ленинчи» рўзномасида ишлаётганига сал кам беш йил бўлди. Шунинг уч йилини у Самарқанд, Навоий, Бухоро вилоятлари бўйича рўзнома ўз мухбири сифатида ўтказмоқда. Унинг мақолаларини имзосига қарамай туриб ҳам аниқлаш мумкин. Ўзига хос услубга эга. Утли, ширали, майин, дардчил...

Бугун биз эътиборингизга Гули Чеҳра қаламига мансуб мақолалардан бирини ҳавола этмоқдамиз.



ЙЎҚДАН БОР БЎЛГАН ДАРГОҲ

БИНОГА, ЎҚУВ ХОНАЛАРИГА ЭГА БЎЛМАГАН, СТИПЕНДИЯ ВА ЁТОҚХОНА БЕРИЛМАЙДИГАН, ЛЕКИН БЕШ МИНГ ЭВАЗИГА ҚАБУЛ ҚИЛАДИГАН САМАРҚАНДДАГИ ҒАЛАТИ БИЛИМГОҲ ҲАҚИДА

Беш минг сўмга нима олиш мумкин? Эҳтимол бу пулга кўп нарса харид қилиш мумкиндир. Лекин Самарқандда бу пулга истаган соҳанг бўйича билимгоҳга ўқишга кириш мумкин бўлиб қолди. Бунинг учун Самарқандда ташкил этилган кўпқиррали ўқитиш марказига ўша пулни инъом этсанг бас.

Ҳозирда одамларни бирор нарса билан ҳайратлантириш ҳам қийин бўлиб қолди. Ҳар куни бир тажриба, янгилик. Ақл бовар қилмайдиган воқеалар, ҳодисалар. Яхши ғояларнинг нафақат эшитиш, у билан батафсил танишиш ҳам зарур. Ҳаётимизга пулли хизмат турлари кириб келганига ҳали кўникмай турганимизда бу ҳолатнинг пайдо бўлиши ғайритабиийроқ эди.

Сентябрнинг ўрталарида вилоят «Ленин йўли» рўзномасида «Агар беш минг тўласангиз...» номли мақола эълон қилинди. Унда Самарқандда пулли кўпқиррали ўқитиш маркази ташкил этилгани ва унинг мақсад-вазифалари таништириб ўтилган. Бу хабарни ўқиган, эшитган — ўқишга киролмай юраги зада бўлиб қолганлар ҳужжатларини қўлтиқлаб марказга кела бошлашди. Ҳадемай ўқиш ҳам бошланди...

Марказ Самарқанд Давлат дорилфунуни тарихи музейи биносида фаолият кўрсатаётган экан. Унинг ташкилотчиларини ҳам ўша ердан топдик. Менга марказнинг проректори (ўзини шундай деб таништирди) **Р. Азимов** қуйидагиларни гапириб берди.

— Марказ куллиётларига пул тўлаб кирган талабалар бошқа олий билимгоҳлар талабалари каби имтиёзларга эга бўладилар. Талабаларга дарс бериш учун малакали мутахассислар жалб этилади ва уларга соатбай-шартнома асосида ҳақ тўланади. Ўз биномизга эга бўлгунимизча дарслар Самарқанд олий ва махсус ўқув юртлари дарсхона ва лабораторияларини ижарага олган ҳолда ўтилади. Талабалар кириш имтиҳонларисиз — суҳбат орқали қабул қилиняпти. Қобилиятли болаларга кейинчалик бепул ўқиш имтиёзини берамиз. Марказ иқтисоди изга тушгач, тежалган маблағлар ҳисобидан ўқув хоналари, лабораториялар, меҳмонхона, ётоқхона, ёрдамчи хоналар қурилади. Фаол талабаларга стипендиялар жорий этилади. Байналмилалжангчилар, кўп болалик оилаларнинг фарзандлари, болалар уйларида тарбияланганлар ҳам маълум имтиёзларга эга бўладилар.

Р. Азимов айтган фикрларнинг ҳаммаси жумҳурият Улуғбек номли жамғармасининг Самарқанд кўпқиррали ўқитиш маркази Уставида келтирилган. Унга кўра, марказда турли йўналишдаги куллиётлар бор. Ҳатто табобат куллиёти ҳам. Марказ куллиётларини битирганлар олий маълумотли мутахассис дипломини олади. Бу диплом бошқа билимгоҳларни битирганларники билан тенг ҳуқуққа эга бўлади. Ўқишни битирганларга аспирантураларга кириш учун йўлланмалар берилади.

Бу сатрларни ўқиб, марказ яхши ният билан тузилганига ишониш мумкин. Лекин ҳар бир янгиликни ҳаётга жорий этиш, ғояни амалга ошириш учун аввало шароит, керакли асбоб-ускуналар билан жиҳозланган хоналар, етук мутахассислар... керак. Агар шундай бўлмаса, бу пойдеворсиз бино қуриш билан тенг бўлиб қолаверади. Пойдеворсиз бино эса... омонатлигини ҳар дақиқада кўрсатиб туради.

Самарқандда очилган пулли кўпқиррали ўқитиш маркази ана шу талабларга жавоб берадими? Ахир чўнтагидан пул тўлаб ўқишга келган талаба ўзи истагандек билим олиши, кетган пулига ичи ачимайдиган етук мутахассис бўлиб етишишига кафолат борми? Бунинг устига у талаба стипендия олмаса, ётоқхона билан таъминланмаган бўлса.

Ҳаким МУҲСИНОВ — марказ ректори:

— Марказимизга ҳозирча мингга яқин йигит-қиз ўқиш учун ҳужжат топширди. Дарсларни ҳам бошлаб юбордик. Талабаларга дарс берувчи мутахассисларни фақат соатбай жалб этилган. 20 та мутахассислик бўйича куллиётлар очганмиз. Бир кунда 1-2 парадан дарс ўтиляпти. Чунки ҳозирча бирорта ҳам аудиторияга эга эмасмиз. Биз аудиторияларни мавжуд билимгоҳлардан ижарага олишни мўлжаллаган эдик. Лекин бизни тушунишни истамаётганлар бу ишга халақит беряптилар. Табобат техникуми ва шаҳардаги 3—4 та мактаблар билангина ўқув хоналарини ижарага олишга шартнома тузди, холос. Бирорта ҳам олий билимгоҳлар шартнома тузишга рози бўлишмаяпти.

Фаолиятимизни Ўзимизда тузилган Методик кенгаш ва Улуғбек жамғармаси назорат қилади. Ҳозирча талабалар қаерда бўш ўқув хоналари бўлса, ўша ерда таълим олишяпти. Бизларга қарши айрим ташкилотларнинг тарғиботлари туфайли талабалар ўртасида англашилмовчилик юзага келди. Ҳужжатларини қайтариб олиш ҳоллари ҳам учраб турибди.

Тўғри, табобат бўйича ҳам куллиёт очганмиз. Талабаларга ҳозирча умумтаълим фанлар — физика, биология, тарих... кабилар ўқитиляпти.

Ҳ. Муҳсиновнинг бу гапларидан таажжубга тушдим. Шу ҳолатда олий таълим ишларини олиб бориш мумкинми? Бирорта ҳам ўқув хонасига, лабораториясига, кафедрага эга бўлмай туриб-а? Бу мантиққа тўғри келадими? Бирорта ҳам табобат асбобини, ускунасини кўрмай туриб, табобат даргоҳига қадам босиб бўладими?

Шу ва бунга ўхшаш фикрлар мени Самарқанддаги мавжуд олий билимгоҳларига етаклади. Учрашган кишиларга асосан қуйидаги саволлар билан мурожаат қилдим.

— Самарқандда ташкил этилган бу марказга ва унинг шу бугунги кундаги фаолиятига муносабатингиз?

— Ишни шу тарзда давом эттириш мумкинми?

— Нима учун улар билан шартнома тузишга унамадиларингиз? Ё сизлар билан рақобатлашадиган билимгоҳ пайдо бўлганлиги учунми?

Панжи УЗОҚОВ — Самарқанд қишлоқ хўжалиги олий билимгоҳи проректори:

— Мен бу хабарни эшитиб, рости гап, хафа бўлдим. Ахир бизнинг энг биринчи ютуғимиз ўқиш ва табобатнинг бепуллиги эди-ку?! Пулли билимгоҳнинг ташкил этилиши, менимча, мантиққа тўғри келмайдиган ҳол. Билимгоҳимизга келадиганларнинг аксарият қисми қишлоқ кишиларининг фарзандлари. Шусиз ҳам кунини бир амаллаб ўтказаётганларнинг фарзандлари қаердан беш минг топиб, бу ўқишга кирсин? Мен масаланинг бир томонига сира тушунолмаяпман. Бу марказни битириб чиққанларни ишга жойлаштириш қандай бўлади?

Бизнинг олий билимгоҳимизда талабаларимизнинг ўқиши учун аудиториялар етишмайди. Яна биз қандай қилиб бу аудиторияларни, лабораторияларни ижарага беришимиз мумкин? Бизда нафақат ўқув хоналари, балки мутахассислар ҳам етишмайди. Бизга ҳатто ўқув хоналари, кабинетларни ҳисобга олган ҳолда талабалар сонини камайтириш ҳуқуқини беришди. Бир ўқитувчига 8 талаба тўғри келиши керак. Бизда бу кўрсаткич 10 тани ташкил этади. Кейин, марказга беш минг тўлаб ўқишга кирган талаба учун беш йиллик таълимга бу пул етмайди. Давлат бир талаба учун беш йил ичида бундан кўп маблағ сарфлайди.

Муса АБДУЛЛАЕВ — шу олий билимгоҳ ўқув ишлари бўлими мудири:

— Бу ишнинг ижобий томони ҳам бор, деб ўйлайман. Мавжуд олий билимгоҳларга муқобил сифатида қараганда. Бунга ўхшаш ғояларни Ягодиннинг чиқишларида ҳам эшитганмиз. Биз ўзимизнинг йўналиш бўйича ССЖИ Вазирлар Кенгаши Давлат комиссиясининг озиқ-овқат ва харид қилиш бўйича олий билимгоҳлар бош бошқармасига мурожаат қилган эдик. Яъни, билимгоҳимиздаги мавжуд куллиётларга муқобил сифатида пулли гуруҳлар очиш ҳақида. Лекин бу фикрнинг нақадар тўғри эканлигини ўйлаб турибди. Мана, эркинликка бошқалар эга бўлиб ўтирипшиблди. Бунинг ёмон томони шундаки, билимгоҳларнинг ҳуқуқларини кенгайтириш ўрнига, бу ҳуқуққа маълум бир гуруҳлар эга бўлиб қоляпти. Пулли марказни ташкил этганлар ҳеч қишлоқ хўжалиги бўйича кадр тайёрлаш учун аввало шароит, қолаверса, мутахассислар, ўқув материаллари йўқ. Бизларнинг ана шундай ҳуқуқимиз бўлганда эди, имтиҳонларни яхши топширолмай, конкурсдан қайтганларни қабул қилиб ўқитардик.

Ҳозирда марказ ташкилотчилари, қабул қилинган талабаларга фақат ачиниш мумкин. Бу таълим системасининг ўзгаришини қийинлаштиради. Бу ерда гап минг ё беш мингга кўйиб қолиш ҳақида бормаяпти. Талабалар биринчи курсда олиши лозим бўлган билимни олишолмаяпти. Бошланғич синфлар билан кайрли ишни охирига етказиш қийин. Ишни бу кўринишда ташкил этмаслик керак эди. Пулли куллиётларнинг билимгоҳлар қошида ташкил этиш, рақобатлашган ҳолда кадрлар тайёрлашни жорий этиш керак, деб ўйлайман. Тўғри, одамлар орасида «яширинча фалон минг бериб ўқишга киргандан, очиқчасига 5 минг тўлаб ўқиган яхши-ку» деган фикр бўлиши мумкин. Ана шундай фикрларни йўқотиш учун мактаб баҳосининг қадрини ошириш чорасини топиш даркор. Қабул имтиҳонларини олиш тартибини ўзгартириш лозим. Қобилиятли болаларни суҳбат ўтказиш йўли билан аниқлаб бўлмайди. Балки 5 мингни топиш мушкул эмасдир. Ахир бу марказга шунча пули бор қобилиятсиз, фақат диплом учун ўқийдиганлар ҳам бориши кутилмаган ҳол эмас-ку?! Ўша марказда ўқиётган талабанинг аҳволини тасаввур қила оламан. Белгиланган вақтда дарслар ўтилмайди, ётоқ жойи маълум эмас. Ўқитувчилар фақат соатбай ишлашади. Бундай кўринишдаги билимгоҳда ўқиш талабанинг на ўзига, на ўзгаларга фойда келтирмайди.

Баҳром ҲУСЕНОВ — Самарқанд ширкат олий билимгоҳи проректори:

— Имтиҳонсиз талаба бўлиш... Қолаверса, улар ташкил этган йўналиш бўйича диплом бериш мумкин эмас. Кадрлар тайёрлаш билан уларга бўлган эҳтиёжни солиштириш керак. Минг-минглаб олий маълумотлилар ишсиз юришибди. Бизнинг йўналишимизда 100 ҳисобчи ўрнига 210 ҳисобчи тўғри келади. Бу йил кадрларга бўлган талаб камайганлиги учун қабул 200 кишига камайди.

Кадрлар тайёрлаш давлат қарамоғида бўлгани маъқул. Буни айрим гуруҳлар қўлига бериб қўйиш керак эмас. Кўполроқ қилиб айтганда, «Ўзининг ёғига ўзини қовуриш» дейишади буни. Ҳамма соҳада — давлат мулкини сотишнинг имкони бордир. Лекин таълимни эмас. Мен бу марказнинг келажаги йўқ, деб биламан. Чунки биз бундай йўналишда ишлашга ҳали тайёр эмасмиз ва имконият ҳам етарли эмас. Фикримни бир мисол билан исботлайман. Марказдагилар товаршунос-коммерсант куллиётини ҳам очишиб, талабалар қабул қилишибди. Ҳали бундай йўналишдаги кадрлар тайёрлашга бизлар тайёр эмасмиз-ку?! Биринчидан, мутахассислар етарли эмас. Иккинчидан, бу йўналишда компьютерларсиз ўқишни олиб бориб бўлмайди. Учинчидан, бу куллиёт талабасидан инглиз тилини тўлиқ билиш талаб этилади. Дарсликлар эса, йўқ ҳисоби. Энди таржима ишлари кетяпти. Дарсликлар чет эл муаллифларининг. Ҳатто, Москвада ташкил этилган коммерсантлар мактаблари ҳам чет элликлар билан ҳамкорликда фаолият кўрсатяпти. Қолаверса, фақат соатбай дарс бериш билан етук кадр тайёрлаб бўлмайди. Агар кадрларга эҳтиёж кучли бўлса, мавжуд билимгоҳларнинг базасини кўпайтириш керак. Биз коммерсантларни олий маълумотлилар ичидан қайта тайёрлаш масаласини кўпмизу-у, улар имтиҳонсиз қабул қилинган талабадан кадр тайёрламоқчи. Яхши ният, ғоя ниҳоятда кўпам маъқуллайди. Аммо у ният, ғоя мукаммал амалга оширилиш мумкин бўлгандагина қадрли.

Нуриддин КАМОЛОВ — Самарқанд табобат олий билимгоҳи ректори:

— Марказнинг ташкил этилишига менинг муносабатим ўта салбий. Буни марказдагиларнинг ўзларига ҳам айтганман. Қолаверса, мен сиртқи таълимга ҳам қаршиман. Ахир юқори малакали кадр тайёрлашнинг ўзи бўладими? Наҳотки бу шунчалик осон иш... айланиб қолган бўлса? Улар менинг олдимга келишиб, ўқув хоналарини, лабораторияларни ижарага берсангиз дейишади. Билишимча, табобат бўйича ҳам куллиёт очишган эмиш. Лекин мен ўқув хоналарини оёқости қилишни истамайман. Тўғри, улар ўз пулига хоналарни тозалаш учун фаррошлар, балки асбоб-ускуналар ҳам сотиб олишар. Аммо шифокорни хонанинг ижарага олиб тайёрлаб бўлмайди ахир! Наҳотки бу оддий мантиқни тушуниш қийин бўлса? Бўлғуси шифокорлар биринчи кун, соатдаёқ беморлар, ўликларни кўришга тўғри келади. Инсоннинг ҳар бир аъзоси, минглаб қон томирлари билан танишиш керак. Улар одамларнинг ички ёриб, шифокор нимага хатога йўл қўйгани билан танишиши лозим. Ҳамма шифохоналарда бизларнинг қайсидир кафедраларимиз бор. Уларни ҳам ижарага бера олмаймиз. Бунинг имконияти йўқ. Биз бу йил кечки бўлимга 50 нафар талаба қабул қилишимизга тўғри келди. Шунча ўрин ажратишди. Лекин келаси йили буни рад этмоқчимиз. Ахир бўлғуси шифокор беморларни кўриш билан шаклланиб боради. Кечкида ўқийдиганлар кечаси ухлаётган беморни уйғотиб, у билан шуғулланмайди-ку?! Қолаверса, барча муолажалар, режалаштирилган операциялар кундуз куни ўтказилади. Талабалар профессор, доцентлар иштирокида беморларни текширувдан ўтказиш ишлари билан танишиб борадилар. Кечаси эса яна навбатчиликда туришади. Чунки кўп касалликлар кечаси хуруж қилади. Буларни ўз кўзлари билан кўришлари, ўша дақиқада қандай ёрдам беришни ўрганишлари учун талабаларимизни кечаси навбатчиликка қўямиз.

Мен ҳайронман. Улар — пулли табобат куллиёти очиб қўйганлар дори тайёрлашни қандай ўрганишади? Кузатиш ишларини, тажрибаларни қандай олиб боришади? Бунинг учун мослаштирилган хоналар талаб этилади. Биз шунча шароитга эга бўлиб, ҳали ҳануз қийналамиз. 70 профессор, 350 фан номзодининг изланишлари билан ҳам тайёрлаётган кадрларимиздан кўнглимиз тўлмайди. Ташкил этилганига 60 йил бўляпти-ю, билимгоҳимизни кўнгилдагидек жиҳозлай ололмаяпмиз. Улар эса ҳеч бир табобат асбобларисиз шифокор тайёрлашмоқчи... Ҳатто тасаввур қилиш қийин. Табобат таваккалчиликни ҳазм қилолмайди.

Кўпчиликнинг диққатини тортган бу марказ қандай қилиб «ЎзССЖ Улуғбек номли жамғармасининг Самарқанд кўпқиррали ўқитиш маркази» муҳрига эга бўлиб қолди?

Ш. ВОҲИДОВ. — Жумҳурият Улуғбек номли жамғарма раиси:

— Жамғармамиз аъзолари олдиларига жумҳуриятда истеъдодли кадрларни топиш ва тарбиялашни мақсад қилиб қўйган. Бу борада Вазирлар Кенгаши қошида комиссия ҳам тузилган. Бошида хайриҳоҳ ташкилотлар, кишилар жуда кўп эди. Лекин амалга келганда жамғармани қўлловчилар кам бўлди. 200 минг сўмга яқин маблағ тўпланди холос. Қарасак, садақа билан иш битмайди. Жамғарма қошида ташкилотлар тузиб, уларнинг фойдасидан улуш олмоқчи бўлдик. Шу мақсадда Улуғбек номли киностудия, ёшлар банки ташкил этдик. Тўртта истеъдодлар мактаби ташкил этишни мўлжаллаяпмиз. Уларнинг барча харажатларини жамғармамиз ўз ҳисобига олади.

Яқинда Самарқанддан Ҳ. Муҳсинов келиб, бизга мурожаат қилди. Мақсадини айтди. Тан олиш керак, уларнинг ғояси яхши эди. Лекин талабаликка қабул қилиш маълум конкурс асосида бўлсин, дедик. Лекин масаланинг бошқа томонлари ҳам бор эди. Яъни, марказга қабул қилинган талабаларга синов варақаси, талабалик билети, кейинчалик диплом бериш масаласи. Буларнинг ҳаммасини ҳал қилиб, кейин дарсларни бошлаш керак эди. Лекин улар ишнинг бу томонларини ҳал қилмай дарсларни бошлаб юборишибди. Диплом, синов варақаси, талабалик билети — буларнинг ҳаммасини Олий таълим вазирлиги аралашувисиз ҳал бўлмайди. Эшитишимизча, улар бирорта ҳам ўқув хоналарига эга эмас экан. Ижарага ҳеч жойни олишолмабди.

Асосийси, яна айтаман — ғоя яхши. Бу ишни бошлаш учун ҳам юрак керак эди. Болани туғилмай ўлдирмаслик, бўғмаслик даркор. Аксинча, унинг атрофидаги иллатларни қирқишга кўмаклашиш лозим. Лекин биз истаймизми, йўқми — пулли ўқишлар барибир жорий этилади. Балки сал кечроқ.

Мен марказ ҳақидаги хулосамни айтолмайман. Уларнинг фаолияти билан яқиндан, чуқур танишиш учун Самарқандга кетяпман...

Ш. Воҳидовнинг фикрларидан кўриниб турибдики, Улуғбек жамғармасидагилар марказ фаолияти ҳақида ҳали аниқ тасаввурга эга эмас. Гарчи марказни ҳомийликка олишган бўлса-да. Марказдагилар жамғарма номи билан боғлиқ муҳр орқали фаолият кўрсатаётган бўлсалар-да.

Марказ фаолиятини ўрганаётиб, ҳужжатларини қайтариб олаётган талабаларга ҳам дуч келдик. Уларнинг бири педагогика куллиёти талабаси **Адолат ҚОЗОҚОВА** эди.

— Икки ҳафта дарс бўлмай, сарсон бўлиб юрдик. Энди ҳар куни бир парадан дарс ўтяпмиз. Аудитория излаб юрамиз. Қаердан топсак, ўша ерда ўқиймиз. Талабалик билетини ҳанузгача беришмади. Ётоқхона йўқлиги учун ноҳиядан қатнаяпман. Қийналдим. Дарс сифатлари ҳам ёқмади. Шунинг учун ҳужжатларимни қайтариб оляпман.

Х. РАЖАБОВ — тарих куллиёти толиби:

— 3 йилдан бери билимгоҳга киролмайман. Охири пул тўлаб ўқиш мумкинлигини эшитиб, бу ерга келдим. Хурсандман. Ҳар куни 1-2 парадан ўқияпмиз. Дарсликларни бошқа билимгоҳларда ўқиётган таниш болалардан олиб турибмиз. Қаердан бўш аудитория топсак, ўша ерда ўқиб турибмиз. Бино ажратиб қолишар.

З. ИСЛОМОВ — Улуғбек жамғармаси директори:

— Бизлар берган ҳужжат уларга асос бўлолмайди. Чунки биз ҳали уларни тафтиш қилганимиз, қанча маблағ нималарга сарфланишини кўрганимиз йўқ. Таъсис этиш устави ҳам ҳозирча йўқ. Бизлар уларнинг ғояси учунгина қўлладик. Бизда ҳам шу ғоя бор эди. Улар тайёр таклиф билан келишгани учун қувватладик. Қолаверса, жамғармамиз ўз улушига эга бўлишини ўйладик...

Хуллас, шунақа гаплар. Самарқанд шаҳри жуда кўп янгиликларга пойдевор бўлган. Пулли билимгоҳ бўйича ҳам улар биринчи бўлишни исташибди. Лекин... бу янгиликни ҳаётимизга татбиқ этишни ҳали ўйлаб кўришимизга тўғри келади. Демак, мавзуга яна қайтамиз.

Гули ЧЕҲРА,
«Ёш ленинчи» мухбири.

Хорижда н хабарлар

Чет эл ёшлари ҳаётидан

НЬЮ-ЙОРК. Бангладеш ҳукумати мамлакатда норозилик намойишлари давом этаётгани, бунда полиция билан тўқнашувлар бўлаётгани туфайли яна икки дорилфунунни ёпиш тўғрисида қарор қабул қилди, деб хабар қилади Даккадан Ассошэйтед Пресс Ахборот агентлиги.

Ражшахи ва Майменсингх шаҳарларидаги дорилфунунлар бир ой муддатга ёпилди. Бу дорилфунунлар мамлакат шимолида жойлашган. Бу ҳақдаги қарор чоршанба куни кечқуруи эълон қилинди.

Шу ҳафта бошларида Дакка дорилфунуни ҳамда пойтахт яқинида жойлашган яна икки дорилфунун номаълум муддатга ёпилган эди. Бу олий ўқув юртларининг талабалари ҳукуматга қарши намойишда иштирок этган саккиз нафар намойишчини полиция ўлдирганлигига қарши норозилик билдиришган эди.

Полиция билан талабалар ўртасида 10 октябрдан буён бир неча бор тўқнашувлар бўлиб ўтди. Ўшанда Бангладешдаги асосий оппозициячи партиялар президент Х. М. Эршаднинг истеъфога чиқишини талаб қилиб яна қисқа муддатли ялпи иш ташлашлар ўтказа бошлашган эди.

ДАКАР. Сенегал пойтахтида ёш социалистлар Халқаро уюшмаси ижроия қўмитасининг мажлиси очилди. Мажлис иштирокчилари жаҳон ҳамжамияти йигит ва қизлари ўртасида «Шимол-жануб» ва «Шарқ-ғарб» мулоқоти доирасидаги ҳамкорликни кенгайтириш масалаларини муҳокама қиладилар. Мазкур уюшма таркибида ҳозир жаҳоннинг 75 мамлакатидаги социалистларнинг 90 та ёшлар ва талабалар ташкилотлари бор.

Бундай учрашув уюшма тарихида биринчи марта Африкада ўтказилмоқда, деб таъкидлади Халқаро уюшма Бош котиби Р. Торрелл. Мажлисни ўтказиш учун Сенегал пойтахти танланиши бежиз эмас. Бунда Ғарбий Африкадаги бу давлат демократик ривожланиш йўлидан оғишмай бораётганлиги, унинг ёшлар миллий ташкилоти эса ёш социалистлар Халқаро уюшмасида сезиларли обрў қозонганлиги ҳисобга олинган.

ТОКИО. Ҳуқуқ-тартиботни сақлаш кучларидан бўлган 250 га яқин полициячи тонгда Япониянинг Киото префектурасида жойлашган дорилфунун шаҳарчасига ҳужум қилиб, уни эгаллаб олди. Радикал кайфиятдаги талабалар чоршанба кунидан буён у ерда ҳукмрон либерал-демократик партиянинг ташаббуси билан илгари сурилган «БМТнинг тинчлик йўлидаги куч-ғайратларига ёрдам тўғрисида»ги қонун лойиҳасига қарши нозорилик намойиши ўтказаётган эдилар. Мазкур қонун лойиҳаси Япония қуролли кучлари ҳарбий хизматчиларининг чет элга юборилишини кўзда тутади.

Талабалар ҳукуматни Япония Конституциясининг тинч мақсадларига хизмат қилувчи қоидаларига зид бўлган қонунни қабул қилишдан воз кечиш даъвати битилган плакатлар осиб, митинг ўтказдилар. Талабалар консерваторларнинг мамлакат қонун чиқарувчи олий органининг бу галги навбатдан ташқари сессияси чоғида қонун лойиҳасининг қабул қилинишига эришиш ниятларига қарши норозилик белгиси сифатида дорилфунун президентининг иш хонасини эгаллаб олдилар.

Полициячилар шаҳарча ҳудудига кириш жойини қўриқлаб турган талабалар гуруҳи билан қисқа муддат олишганларидан кейин дорилфунун маъмурияти бошлиғини иш хонасига дераза орқали бостириб кириб, у ерда ўзлари тиклаган тўсиқ ортига яширинган талабаларни қўлга олдилар.

Шу куниёқ талабалар ўз ўртоқларига нисбатан зўравонлик қилинганлигига қарши норозилик намойиши ўтказдилар.

(СИТА).



Бу суратни кўриб ажабланманг. «Спортчидир-да» деб ҳам ўйламанг. Балет санъати жилоларини ўз маҳоратини намойиш қилаётир. Саҳнага қаранг, (бу ҳали машғулот учун) бизнинг мамлакатимиз шаҳарларидаги ўртамёна безатилган саҳналар улар олдида...

Жаҳон Балет Академиясининг Вашингтонда америкалик мухлислари намойиш этган номерлари ниҳоятда манзур бўлди. Машҳур балетмейстер, Киров номидаги Ленинград опера ва балет театрининг бадиий раҳбари О. М. Виноградов бошчилик қилаётган гуруҳ талантли жамоа сифатида танишил топган.

СУРАТДА: Андрис Лиепа машғулот пайтида.

А. КОРОЛЁВ сурати (СИТА).

РАНГ-БАРАНГ ОЛАМ

АҚШЛИК БОЙВАЧЧАЛАР

● «ФОРБС» ойномаси АҚШлик 400 нафар бойваччаларнинг рўйхатини бу йил ҳам эълон қилди. Рўйхатнинг бошида ўтган йилдагидек «оммавий ахборот воситаларининг қироли» Ж. Клюг турибди. Унинг сармояси 5,6 миллиард долларни ташкил этади. Иккинчи ўринда ҳам аввалгидек Небра штатилик инвестиция билан шуғулланувчи бизнесчи У. Баффет. Унинг бойлиги 3,3 миллиард доллар. Учинчи ўринни эса «Ревлон» косметика фирмасининг соҳиби Р. Перелман эгаллаган.

ГЎШТ ЎРНИГА ЧУМОЛИ СОКИ

● ХИТОЙДА инсон саломатлиги учун энг фойдали ичимлик чумоли соки ҳисобланади. Мамлакатнинг кўпгина жойларида чумолидан тайёрланган овқатлар жуда тансиқ таом ўрнида кўрилади. Чунки худди дуккакли ўсимликлардек оқсил моддасига сероб. Бундан ташқари унда рух элементи ҳам бўлиб, ундан дори сифатида фойдаланиш тавсия этилади.

«Интернэшнл уайлдлайф» ойномасининг хабар беришича, чумоли сокининг калорияси сигир гўштиникидан 4 баравар ортиқ экан.

ОҚ САҚИЧ ФОЙДАЛИМИ!

● ҲА, фойдаси бор экан. Бу ҳақда оқ сақич ишлаб чиқарувчи фирма эгалари эмас, балки америкалик тиш табиблари кафолат беришмоқда. Уларнинг фикрича, 20 минут давомида оқ сақич чайнаш тишни яхшилаб тозалаш билан баробар экан. Бундан ташқари сўлак безлари ажратиб чиқарган суюқлик кислота кўпайишига йўл қўймайди, шунингдек, тиш чиришининг олдини олади.

РАНГ-БАРАНГ ОЛАМ

1

Мухбиримиз Орол муаммоси бўйича суҳбат уюштириш учун «Ёшлик» ойномаси бош муҳаррири Омон Матжон ҳузурига борса... худди шундай эҳтиросли фикрлашув устидан чиқди. Нукусдан шу хусусда Орол ва Оролбўйини асраш жамоатчилик қўмитаси масъул котиби Исмоил Саъдуллаев ўз таассуротларини, шоиримиз эса муаммонинг тарихий-диалектик, сиёсий-ижтимоий оқибатларини таҳлил этар эдилар...

Омон МАТЖОН: — Оролни ўйлаб, мен даҳшатга тушиб кетаяпман. Агар ССЖИ жумҳуриятлари бўлиниб кетадиган бўлса, мамлакатда Орол билан шуғулланадиган бирорта ташкилот ёки маҳкама қолмайди. Марказга бу ишнинг аҳамияти нима? Дўстлик, оға, тенглик деган гапларнинг қиймати энди кўриниб қолди! Шунинг учун Орол масаласига бугун фақат сиёсий баҳо бериш керак. Энди, ҳамма кўнгилчан гапларга бозор муносабатига ўтиш кўзгусида қарашимиз керак. Ҳозироқ улар ўз ашёларини бизга бермаяпти-ку? Бу ерда даҳшатли нарсалар бор: агар РСФСЖ, Украина, Белоруссия ва бошқалар мустақил бўладиган бўлса, Совет давлати тасарруфида ҳарбийлар, транспорт, алоқа, денгиз флоти, хориж алоқалари ва шунга ўхшаш нарсалар қолади. Бундай вазиятда биз сувни кимдан сотиб оламиз, ўйлаб кўринг. ССЖИ фақат «оладиган» ташкилот бўлади. Биз айрим жумҳуриятлар билан ҳам, ССЖИ билан ҳам шартнома тузишимиз керак бўлади. Демак, биз ҳамма нарсадан икки тарафлама ютқазаяпмиз. Орол фожеаси мавжуд тузумнинг мудҳиш хатосидир.

МУХБИР: — Бу масаланинг энг муҳим томони. Олмаотада бўлиб ўтган беш жумҳурият раҳбарларининг катта анжуманида ҳам Орол ҳақида гап борди. Чунки, таъкидлаганингиздек, энди марказдан бизнинг умидимиз йўқ десак ҳам бўлади. Минг марта «Орол, Орол» деб ҳуда-беҳудага зорланганимиз билан марказдагилар парво ҳам қилишгани йўқ. Улар учун Оролимизнинг қуриб кетаётгани, халқимизнинг қирилиб бораётгани фожеа эмас. Жабрини мана шу Ўрта Осиёнинг қадимий халқлари тортаверади...

О. МАТЖОН:

— Худди шундай. Беш жумҳурият бирлашиб Орол Ўрта Осиё давлат қўмитасини тузишлари шарт. Бу қўмитани борингки, Нукусдами, Урганчдами жойлаштириб, Совет ҳукумати ажратган 300 миллион маблағни ва «Оролводстрой»ни ҳам шу қўмитага бериб, сув масалаларини бир жойдан бошқарилмаса бўлмайди. Менимча, «Оролводстрой» ҳали ўз ҳисобига ўтказилган бу пулни нима қилишни билмаяпти. Шўрлик халқимизнинг куни яна ўзининг азалий анъанаси — ҲАШАРГА, Оролни тиклашга қолиб кетмаса деб қўрқаман... Не сўз, бунинг ҳам бир катта йўли бор: Амударёнинг у ва бу томонидан сизот, оқава сувларни Оролга олиб бориш масаласи. Дейлик, Орол бўйлари яқинларида юзлаб ноҳиялар жойлашган. Агар ҳар бир ноҳия борингки, ўн километрдан канални «мен қазиб бераман» деб бўйнига олса, жумҳуриятдаги бошқа қурилиш идоралари ҳам қатнашса, буни бир-икки йилда қазиб ташлайди. Жамоатчилик асосида ташкил этилган Орол қўмитаси фондига келганда уни хайрия ишларидан бошқага етказиш қийин. Касалхоналар, болалар боғчалари, овқатлантириш системаларини ривожлантириш ишларига сарфлаш, аёлларимиз саломатлигини муҳофаза қиладиган клиникалар, касалхоналарни кўпайтириш мумкин.

Энди мен ҳайронман, ҳозиргача шу регионнинг ёшлари ҳеч овоз чиқараётгани йўқ. Қорақалпоғистон комсомоли қайда? Хоразм, Туркманистон комсомоли?! Улар бугунги кунда 20-йиллар комсомолларига ўхшаб алоҳида юриш бошлашлари керак биргаликда: «Нима қиламиз? Чегараларимизда мажлис қуриб ўтира берамизми? Ё дунё ёшларига мурожаат қиламизми?» Ҳозир «сен қорақалпоқсан, мен туркманман, сен ўзбексан» деб ўтирадиган замон эмас. «Бу сенинг еринг, буниси меники» дейиш эса баттар даҳшат!

Тўғри, ёшларимизда ўз тарихини чуқур англаш туйғуси, ўтмишини суриштириш истаги уйғоняпти. Буни ҳозир ҳамма билади. Бундай пайтда бор гапни айтиб қолиш керак. Қорақалпоқларда етти уруғини санаш деган гап бор... Ўзбеклар шажара чиқаради. Хоразмликлар бугун Кўҳна Урганчдаги ёдгорликларнинг аҳволини, у ердаги қариндошлари тили, маданий даражасини суриштирса, бунинг нимаси ёмон? Ёки ўнг соҳилдаги қондошлари аҳволини суриштирса ёмонми? Бу — чегарага янги устун қўйиб, электр сим тортиб, вишкалар ўрнатиш деган гап эмас. Халқларимизнинг илдизи бир — динимиз, тилимиз, келиб чиқишимиз бир. Ҳиндлар Тожмаҳални, афғонлар Навоий хотирасини авайлаб-асраб, дунёга кўз-кўзласалар, бизда уларга нисбатан янада улкан эҳтиром уйғонади. «Бобом забт этган жойлар бу, меники!..» деб аюҳаннос солиш эсимизга келадими?! Йўқ...

МУХБИР:

— Орол ва Оролбўйини асраш жамоатчилик қўмитасининг масъул котиби Исмоил Саъдуллаев яқинда Нукусда бўлиб ўтган бир ҳафталик катта йиғинда иштирок этиб келибдилар. Ўзлари Оролбўйида туғилиб ўсганлар... У кишидан эшитайлик-чи..

И. САЪДУЛЛАЕВ:

— «Орол танглиги: унинг сабаблари ва ҳал қилиш йўллари» деб номланган бу анжуман Орол масаласи кўрилган 106 йиғиндир. Анжуман ҳақида нима десам экан? Жуда кулгули ҳолатга тушиб қолдик биз. Жуда афсуски, бу гал ҳам яна ўша эски гаплар қайтарилди. Яна катта минбарларда она денгизни шу кўйга солганлар ваъзхонлик қилдилар. Албатта, бу ерда фойдали фикр-мулоҳазалар билдирган ўртоқлар ҳам бўлди. ЎзССЖ Фанлар академиясининг академиклари Ч. Абдиров, С. Камолов, ССЖИ Фанлар академияси сув муаммолари институти бош илмий ходими ЮНЕП эксперти Л. Н. Эльпинер, қозоғистонлик профессор Н. К. Мукитанов, нукуслик У. Маткаримовлар бу фожеани ҳал этиш йўлларини далиллар билан кўрсатиб бердилар. Хорижлик меҳмонлардан, японияликлар профессор Такео Года, Лондон дорилфунуни профессори Ширин Акинер, Халқаро география жамиятининг оғир зоналар бўйича ишчи гуруҳи бошлиғи Рожер Касперсон ва АҚШдаги «Ворлд Воч» олий билимгоҳ президенти Лестер Браунларнинг маърузалари кўпчиликка маъқул бўлди. Такео Года «Бизга Оролбўйи тақдирини чуқур ўрганишга тўсқинлик қилаётган нарса — қўлимизда жўяли, аниқ маълумотларнинг йўқлигидир» деб нолиди. Америкалик Л. Браун эса: «Миссисипи дарёсидаги каби Амударё ва Сирдарёнинг қонун йўли билан белгиланмас экан, Оролни асраб қолиш ҳам бефойдадир», — деди.

МУХБИР:

— Бу гаплар бизга беш қўлдек аён. Шунча куйиб-пишганимиз билан «Ўзинг учун ўл етим» кунига қолишимиз... Фожеа бошланиб бўлганига ҳам анча бўлди. Ҳозир масала гамлетчасига қўйилган: «Ё ҳаёт, ё...»

И. САЪДУЛЛАЕВ: — Биз чамаси дунёда энг мўмин ва лоқайд халқлардан биримиз. Агар шундай бўлмаганида бугун кўйга, бу фожеаларни овоза қилиб, яна бир бор дунёга аюҳаннос солиб «Бизлар ҳам бекор ўтирганимиз йўқ. Кўриб қўйинглар биз ҳам Орол учун куйиняпмиз. Мажлислар ўтказяпмиз» дермидик.

О. МАТЖОН: — Шу йилнинг 8 октябрида (агар янглишмасам) жумҳурият ойнаи жаҳонининг «Ахборот» программаси кўрсатди. Икки дарё оралиғида қадимги хоразмшоҳлардан қолган ёдгорликлар қандай аҳволда! Буни ким суриштирди, бу йиқик қўрғонларни сўрайдиган бирон одам борми ё йўқми? Академик Толстов излари кетди. Этаксиз бўлди. Кимдан сўрашни билмайсан киши. Кўҳна Урганч... Булар ҳам Орол билан барбод бўлиб кетяпти... Олтмишинчи йиллар...

2

МУХБИР: — Оролнинг ҳам, Оролбўйи халқларининг ҳам бугунги фожеали аҳволга дуч келишини ҳукумат тепасида 60-70-йиллар ўтирган раҳбарлар яхши билган. Бугунга келиб, буни қарангки, Оролни қуритган одамларнинг баъзилари ҳамон яна ўзларининг ўша эски иссиқ ўринларида «жавлон» уришяпти. Яқинда бир гап эшитдим. «Оролга ҳукумат ажратган пулларни яна янги ерларни ўзлаштиришга сарфлаш керак» дейдиганлар ҳам топилаяпти экан. Бу кимнинг устидан истеҳзо?

О. МАТЖОН: — Тўғри, бировларни қанча сўкканимиз билан энди сариқ чақалик фойдаси йўқ. 60-йиллар... Мен бунинг бир ёғини ўзимча Бойқўнғирдаги космодромга ҳам боғлайман. Муттасил ракета учирилмаслиги! Оролнинг суви ҳам ҳавосиям бу парвозларга тааллуқли! Агар Оролнинг пасайишини ҳисобласангиз, бу пахтачилик, юқори оқимда ерни шафқатсиз эксплуатация қилиш билан бирга космодром фаолияти бошланишига ҳам тўғри келади. Агар Бойқўнғирда «Энергия» типидаги ракета учирилса, Тошкентдан икки ҳафтадан кейин булут пайдо бўлади. Ҳавода бирданига сифат ўзгариши юз беради. Дунёдаги космодромларнинг барчаси океанлар биқинида қурилган. Америкада, Францияда, Хитойда ҳам шундай. Орол тўрт-беш йилдан кейин нимага айланишини сезмаганлар бўлмаган. Кейин унинг қуриши кўз очиб юмгунча. Бўлинганини...

«Гаплашадиган вақтлар» шеърий қиссам 80-йилларда муҳокама қилинган пайтда бош қаҳрамон айтар эдики, «Орол 2017 йилга бориб бутунлай қуриб кетади!» «Руслар ўз дарёларини бизга ҳеч қачон бермайдилар»... У пайтда бу гаплар «қисқариб» кетган. Мана унинг гипотезаси тўппа-тўғри келиб турибди. Бугун тезлик билан Ўзбекистон, Туркманистон, Қорақалпоғистон ва бошқа даҳлдор ҳудудлар алоҳида дастурлар ишлаб чиқиб амалга ошира бошлашса, кейин умуман кеч бўлади.

И. САЪДУЛЛАЕВ: — Мен бир неча рақамлар келтирмоқчиман. Дарвоқе, сўнгги беш йил ичида оналар ўлими олдинги беш йилга таққосланганда уч баравар кўпайди. Болалар ўлимининг 31 фоизга яқинини турли хил касалликлар ташкил этмоқда. Аҳолини ялпи тиббий кўрикдан ўтказиш натижаларига кўра, хотин-қизларнинг 80 фоиздан ошиги камқонлик дардига мубтало. Бу Иттифоқимизда ўртача 25—30 фоизни ташкил этади). Бизда рак касали Иттифоқимиздагидан 7 баравар кўп. Бу дарди бедавога чалинганларнинг 4 фоизини меҳнатга лаёқатли ёшлар ташкил этмоқда. Қилтомоққа дучор бўлган 70 фоиз аҳоли рўйхатга олингандан кейин, орадан бир йил ўтар-ўтмас уларнинг ўлаётганликлари жуда даҳшатли эмасми?!

1980—1986 йиллар орасида буйракка тош йиғилиш касалига чалинганлар ўн мартача, узоқ муддатли ошқозон касаллиги 3 баробар, артроз-артрит билан касалланганлар сони 3,7 марта кўпайди. Юқумли касалликлар билан, айниқса сил билан оғриганлар сўнгги ўн йил ичида 2 мартага ошди. Буларнинг аксарияти қишлоқ аҳолисини ташкил этади...

Мажлисдан «болаларнинг туғилишини режалаштириш эвазига Оролни асраб қолиш мумкин» деган гапни эшитганимдан сўнг чидолмасдан чиқиб кетдим. «Правда» рўзномаси сураткаши Тоҳиржонга бу ўлканинг тарихидан ҳикоя қилиб бердим. У эса шовуллаб оққан Амударёни, гуриллаб юрган пароходларни, тўлқини қирғоғидан отилиб чиқаётган она Оролни кўрмаганидан афсусда эканини, Мўйноққа етгунча бир неча бор изҳор этди. У Қўнғирот ва Мўйноқ аҳолисининг ночор аҳволини кўрганида кўзларига ишонмади.

Ишончим комилки, ҳозир Тоҳиржон Нукус жамолини анжуман иштирокчиларига кўз-кўз қилиш мақсадида, бегона одам қўйдирилмасдан, шу йил давомида таъмирлаб жиҳозланган ўн икки қаватли «Тошкент» меҳмонхонасини, анжуман қатнашчиларига ширин таомлар тайёрлаш учун Тошкентдан келтирилган ошпазларни, меҳмонларга аталган «Тошкент», «Фарғона» сувларини эсламоқда.

Дарвоқе, мен етмишинчи йиллар гилам тўшаб, элга ош бериб, тўй-томошалар қилган Мўйноқ хонадонларида кўп бўлганман, туз тотганман. Бугун эса, ўша гиламлар, ўша кўрпачалар ўрнини бўйра эгаллаб, тўй ўрнида эса аза кўраётган мўйноқликлар фожеасига шерикман. Шу пайт беихтиёр Нукусда анжуман кошоналарига тўшалган қирмизи гиламларни, рангли телевизорларни эсладим. Чунончи, Нукусда шу қирмизи гиламлар устида анжуман қизиган пайтда Мўйноқда ёз бўйи атиги икки-уч дона помидор истеъмол қилиб, фақат ёвғон ичиб келган одамлар, ўша бўйрада жон бериб, жанозаси ўқилаётган эди...

Қўнғиротлик ва мўйноқликлар сув ўрнига заҳар-заққум ичиб турган бир шароитда амалдорлар, бойваччалар ёз бўйи «Тошкент суви»га юз-қўлини ювиб, ўшандан чой ва овқат тайёрлаганларини биламан...

МУХБИР: — Ростини айтганда, рақамларни эшитиб даҳшатга тушиб кетасан, киши. Ўйлаб қоламан: биз-ку, бир оддийгина журналистлар, ёзувчилар, шоирлар бу рақамларни ўқиб дарду-дунёмиз куйиб, бор изтиробларимизни қоғозга тўкишдан нарига ўтолмаймиз. Лекин ҳукуматлар тепасида турган кишилар эса қандай ташвишга тушар эканлар?! Энди Сибирь дарёлари сувидан умид қилмасак ҳам бўлади. Каспий денгизидан-чи?

О. МАТЖОН: — Йўқ, Каспийдан сира умид қилиб бўлмайди. Бу ерда Сариқамиш массиви бор. Оролдан ҳам катта. Чордара сув омборининг атрофларини кўрсангиз, Жиззах чўли ёнбошларигача ботқоқликларга айланиб кетди. Зах Амударёнинг ҳар иккала томонидан маълум катталикда йирик-йирик коллекторлар қазилиши керак. Беш-олти жойда насос станциялари бўлади. У ёғи Чоржўйдан, бу ёғи Қашқадарё ва Сурхондарё, Бухоронинг сизот сувларини у ёққа олиб чиқиб кетилса, икки фойда. Лекин барибир энди Оролга тирик сув бормас... Ҳозир Нукусга, Урганчга қувурлар орқали Туямўйиндан, ҳатто Каттақўрғондан ичимлик суви олиб бориш масаласи кўриляпти. Бу билан ичимлик сув масаласини ҳал қилолмаймиз. Бу — бемор одамнинг томирига укол орқали қон қуйиб тургандек гап! Амударё, Сирдарёдаги тўғонлар доим кўтариб қуйиладиган бўлса, бир ўзгаришлар бўлар. Оролда тирик мавжудотнинг ўлиб кетаётганлигининг яна бир сабаби — ўша тўғонлар. Мен бир афсонада келтирганман: Оролда иккита балиқ яшайди. Оқ ва қора балиқ. Улар бир-бирини қувлаб Помиргача бориб келади. Ҳозир энди балиқлар тепага ўтолмайди. Биз ҳали гапнинг бу томонини гаплашаётганимиз йўқ. Балиқларнинг, сув жонзотларининг аҳволи биз айтаётган демографик, этник аҳволдан баттар. Биз воҳадаги миллатлар, аҳоли сонини санаб қўямиз... Модомики, Қорақалпоқ ҳукуматидаги дўстлардан бир нарсани сўраб қўйиш жоиз бўлар эди: «Сўнгги вақтда неча одам кўчиб кетди жумҳуриятдан?» 80-90 мингдан ортиқ! Улар қаерга кетди, бу кўчиш тўхтайдими-йўқми? Бунинг сабаби нима? Ахир бир жойдан минг одам бир ёққа кўчиб кетса, «Қочоқлар муаммоси!» деб бутун дунёга дод-вой солиб, ётибмиз-ку? Бу ерда юз минглаб аҳоли кетаяпти! Бунинг жавобини ким беради? Қорақалпоғистон ҳукуматими, Олий Кенгашими ё комсомолими? Қорақалпоғистонлик депутат опа эса «йўқ, ёлғон, бизда ҳамма жой-жойида, ҳеч ёққа, ҳеч ким кўчиб кетгани йўқ» деб сессияда айтганлари эсимизда!

МУХБИР: — Оролбўйи аҳолисининг энг кўп касалликларга чалиниши (даҳшатли юқумли хасталиклар ҳам) менинг назаримда аввало, ернинг ифлосланишига, иккинчидан, ичимлик сув тақчиллигига ҳам келиб тақалаяпти-да... Туз бўрони аста-секин жумҳуриятимизнинг бошқа регионларига ҳам вабодай тарқаляпти...

И. САЪДУЛЛАЕВ: — Муштарийларга Аму ва Сирдарё суви таркибида қанча миқдорда туз ва гербицид, пестицид сингари йигирма хилдан ортиқ заҳар-заққумлар борлигини айтмасам ҳам, улар буни кундалик матбуотдан яхши билишади. Ҳозир Оролбўйидаги энг асосий муаммо бу тоза ичимлик суви. Дарвоқе, мана ўн йилдан ошди, шов-шув қилиб Туямўйиндан Нукус томон тортилган сув ҳам сув омбори тузига, заҳарига тўйинган бўлиб чиқди. Шу кеча-кундузда бу ерда тоза ичимлик суви муаммосининг бунчалик кескинлашувига асосий сабаб, иккала дарёнинг бошидан охиригача ҳалига қадар сон-саноқсиз коллекторларнинг тўхтовсиз қўйилиб тургани. Дарвоқе, Оролбўйи аҳолиси, асосан, дарё сувини ичади. У ерларда булоқ йўқ. Қудуқ бор, аммо унинг суви ҳам тузли. Ҳозир бу заҳар-заққум оқаётган коллекторлар хусусида олимлар, экологлар орасида тортишув бўлмоқда. Қўмитамизда бу коллекторларни Амударёнинг ўнг қирғоғи бўйлаб Оролга оқизиш масаласи қўйилганда, бунга кўпчилик қарши бўлди. Сабаб: биринчидан, бу заҳарли сувларни Оролга оқизиш мумкин эмас. Иккинчидан, уни дарё ёқалаб қазиш учун камида 1 миллиард сўм пул керак эмиш. Хўш, бу фикрлар тўғри бўладиган бўлса, унда коллекторлар дарёга тўхтовсиз қўйилаверсин, халқ ўша заққумни ичаверсинми? Ундан кўра Пирмат аканинг фикрига қўшилиб, бу коллекторларни 1 миллиардсиз, ҳашар йўли билан қазиш мумкин эмасми? У кишининг айтишича, агар дарёнинг бошидан охиригача бўлган масофани фақат Ўзбекистон ноҳияларига бўлиб берганда атиги 9 километрдан тўғри келар экан.



ДАҲШАТ ТОМОШАБИНЛАРИ

- Орол — сиёсий масаламми?
- Иттифоқ бозорида баҳомиз қанча?
- Ҳиндлар Тожмаҳални севиб асрашининг сири
- Уч обком бир денгизни тўлдирадими?
- «Тошкент» минерал сувидан чой қайнатиб...
- Боши тошқаттиқ туғилаётган гўдаклар...
- Яна бир даҳшат.

3

О. МАТЖОН:

— Яна бир шармандали, фоже аҳвол бор. Хоразм, Қорақалпоғистонда, ўша Туркманистоннинг Тошҳовуз вилоятида бирон бир жамоа хўжалиги, посёлкаларни қўяверинг, ҳатто ноҳияда канализация йўқ. Бу ҳам ўша жойлардаги мавжуд бўлган бошқарув аппаратига қўйилган шармандали айбнома. Хоразм воҳаси қум устига қурилган. Хонадондан чиқинди сув ерга сингиб кетадими? Ҳа, ер остидан тоза сувга бориб қўшилади. Буни ҳеч ким назорат қилмаяпти. Ҳеч ким тўхтатолмайди ҳам. Ер ости сувлари бузилиб бўлди. Пахтанинг дориланган сувларини айтмаяпмиз ҳали. Яна бир даҳшатли масала. Бу регион аҳолиси юз йиллаб, минг йиллаб қуёшда юмаланиб келган лойқа сувни ичган. Уларнинг организми ҳам шунга мослашиб қолган. Бирданига ҳамма 70-йилларда ер ости, темир қудуқлардан сув олиб ича бошлади. Бирданига демак, кишилар организмида ўзгариш пайдо бўлди.

Ҳозир яна бир даҳшатли ҳол кузатиляпти. Оролбўйида яшовчи аҳолининг мия шарлари кичрайиб бораяпти экан! Гўдакларнинг мия устидаги тангадек жойи бўшашиб, лўқиллаб туради. Буям чақалоқнинг сири. Бу табиатнинг қўйиб берган майдони, суяк каттариб, то мия етилгунча ўсади ва кейингина қотади. Ҳозирги болалар эндиликда шундай қопқоқсиз, қотиб қолган мия билан туғиляпти. Уларда энди ҳеч қандай ривожланиш бўлмайди... Севги, Муҳаббат, Оила, Ижод, алвидо! Орол фақат ўзи қисқариб кетаётгани йўқ. Одамларни ҳам...

МУХБИР: — Ҳали ҳам кўпчиликнинг ёдида. Бундан икки-уч йил аввал марказий матбуотда, кейин эса ўзимиздаги баъзи оғзига кучи етмаганлар «Ўзбекистонда бошланган ҳалокатнинг (бунинг ичида болалар ўлими ҳам бор, ўз-ўзига ўт қўйиш, мажруҳ болаларнинг кўп туғилиши ва ҳ.) олдини олишнинг бирдан-бир йўли туғилишни режалаштиришдир» деган сафсатали гапларни тарқатдилар ҳам. Албатта бунга ўз вақтида қаттиқ зарба берилди. Лекин шу нарса Нукусда ўтган анжуманда яна такрорланибди...

И .САЪДУЛЛАЕВ: — Ҳа, ҳозир марказдаги «Орол жонкуяр»ларидан Воронцов, Реймарс, П. Вошчанов ва А. Бушев кабилар бу фикрга қаттиқ ёпишиб олдилар. Ҳатто, Реймарс АҚШнинг Блуминтон штатида баланд минбардан туриб юқоридаги таклифни айтган.

Жумҳуриятларнинг узоқ йиллар марказдан бошқарилиши оқибатида бугун Иттифоқда ёппасига авж олган иқтисодий танглик Орол муаммосини тобора кескинлаштирмоқда. Аслида, Орол фожеасининг пайдо бўлишига ҳам мана шу марказдан бошқариш сиёсати сабаб бўлди. Аммо, бугун Орол фожеасини бартараф қилиш асосан, мана шу бешта жумҳурият елкасига тушиши тайин бўлиб турибди. Бироқ, кимлардир шу жумҳуриятлар ўртасида миллий низоларни, келишмовчиликларни авж олдириб Орол танглигини янада кескинлаштиришга уринмоқдалар. Чунончи, бу туркман канали, бу ўзбек «оқ олтин»и ўзбек ерида, канал туркман ҳудудида қазилгани билан буларнинг хўжайини Москва эди. Дарвоқе, Қорақум каналининг қазилиши, олти миллион пахтанинг ундирилишини марказ бошқарди. Роҳатини ҳам ўша марказ кўрди. Жабрини эса маҳаллий халқ тортмоқда.

Даҳшат шундаки, марказдан бошқарилиш сиёсати туфайли турли томонларга сочилган Орол насибасини йиғишда қадим-қадимдан эли бир, элати бир, илдизи, қони бир халқлар тушунмаяптилар. Бу ерда мен сув омборлари, Қорақум канали, пахта ва шоли майдонлари ва табиий газ ўрнини тўлдиришга кетаётган сувларни назарда тутаётирман.

Ҳар қанча аччиқ бўлса ҳам айтай, она Оролнинг «миллат»ини аниқлаш ҳоллари бўлиб турибди. Дарвоқе, Орол ўзбек эмас, қозоқ эмас, қирғиз эмас, тожик эмас, туркман ёки қорақалпоқ эмас. БУ БАҲРИ УММОН КЎҲНА ТУРОНЛИКЛАРНИНГ БАШАРАСИ, ҚИЁФАСИ, БОРЛИҒИДИР. Шунинг учун дейманки, она Оролни асрашда ўзбек йўқ, қозоқ йўқ, қирғиз йўқ, тожик, туркман йўқ, қорақалпоқ йўқ. Аммо кўҳна Туронда она денгизини кўз қорачуғидек асраб, уни соғ-омон сақлаб қоладиган Алпомиш ва Гўрўғли шижоатли фарзандлар бор!

МУХБИР: — Исмоилжон албатта, халқ бу борада сизларнинг шаънингизга ёмон сўз айтгани йўқ. Аксинча, ҳатто ўзи бир амаллаб рўзғор тебратаётган, жўжабирдай жон эгаси бўлмиш камбағал оилалар ҳам Орол фондига пул ўтказди. Бизнинг халқимиз шундай, доим қўли очиқ. Ўзи емаса емайдики...

И. САЪДУЛЛАЕВ:

— Агар эътибор берган бўлсангиз, ҳозир халқ-ку халқ, ҳатто зиёлиларимиз ҳам Оролни асрашни биргина бизнинг «Орол ва Оролбўйини асраш жамоатчилик қўмитаси»дан талаб қилмоқдалар. Чунончи, айрим зиёлилар мақсадни ва вазифани чуқур тушуниб-тушунмай жамоатчилик қўмитасига тош отиш даражасига етди. Масалан, яқиндагина бир журналист ўртоғимиз, «бир пайтлар бу муҳофаза қилиш қўмитаси эди. Орадан бир йил ўтгани йўқ, «муҳофаза» «сақлаб қолиш» қўмитасига айланди» деб ёздилар.

Биринчидан, бу қўмита 1987 йил 24 мартда Ёзувчилар Уюшмаси ҳузурида «Орол ва Оролбўйини асраш» номи билан жамоатчилик асосида ташкил этилди. Ва шу жамоатчилик асосида ишламоқда. Иккинчидан, бу қўмита ўз номи билан жамоатчилик қўмитаси. Балки кўпчилик бу қўмитани юз, икки юз киши ишлайдиган, амалдорлар йиғилган сиёсатли бир ташкилот деб ўйлар. Очиғини айтай, **бу қўмитада амал йўқ, жамоатчи раисга эса маош йўқ.** Бу ерда бор-йўғи уч киши ишлайди, холос. Ушандан икки киши арзимаган маошга Орол учун жон куйдирмоқда.

Жумладан, ўша журналист ўртоғимиз иш соатини тугатиб, бола-чақасининг олдига шошаётганида, Пирмат ака олий билимгоҳда дарсларини тугатиши билан тамадди қилиб-қилмай не хаёллар билан қўмитага шошаётган эдилар. Дарвоқе, П. Шермуҳамедов ўз қорнига эмас, ҳатто ўз қадрига ҳам эмас, балки халқ қадриятларига йиғлаётган жафокаш инсон. Чунончи, мазкур қўмита ташкил этилгандан буён Пирмат ака «Орол» деб чўнтаги ҳисобига неча бор Иттифоқни айланиб чиққанини балки халқ билмас...

Хуллас, яна айтаман, бу қўмитада амал йўқ, раисга маош йўқ. «Оролводстрой»га миллионлаб пул ажратгани ҳолда, Орол ва Оролбўйини асраш қўмитасига бир чақа пул берадиган ҳукумат йўқ. Демак, Орол учун жон куйдираётганлар мабодо ушбу қўмита фаолиятидан норози бўлсалар, бу қўмитага муқобил усулда яна бир қанча қўмиталар тузишлари мумкин. Мақсад, Оролни, халқни сақлаш.

Яна Орол ва Оролбўйини офатдан асрашга, сўзсиз жавоб берадиган, бу жамоатчилик қўмитасидан ташқари Сув хўжалиги Вазирлиги, Табиатни муҳофаза қилиш Давлат қўмитаси, Фанлар Академияси, қолаверса «Орол» илмий тадқиқотларини мувофиқлаштириш маркази каби давлат харажатидан фойдаланаётган мутасадди ташкилотлар бор. Орол тақдири учун жавоб берадиган раҳбарлар бор. Нега улар томошабинлик қилишяпти!

4

МУХБИР: — Омон ака, ўтган йили мен Хоразмга борганимда бир нарсадан ҳайратга тушдим. Қабристонларни зиёрат қилиб юрганимда, қабрлар ғалати қўйилган экан. Гўё марҳумлар жасади ер остига эмас, балки устига қўйилиб, уйчалар ясаб қўйилгандек туюлди менга. Барибир одамлардан сўрадим: «Нега, жасадлар ер устидами? — деб. Шунда асл ҳақиқатни айтиб беришди. «Агар ер остидан 1-2 метр чуқур қазисак сув чиқиб кетади...»

О. МАТЖОН: — Бу ҳам даҳшат. Чидаб бўлмайди. Одамнинг айтишга тили бормайди-да, Норқобил. Кўргуликларимиз ҳали бошимизда кўпми деб қўрқаман. Энди, аввалги замонларда ернинг устидаги ҳамма нарсани суғорилгандан кейин лойқа сув ювиб, йўқотиб кетар эди. Махсус минераллар келар эди-да. Ҳозир далаларимиздаям нима бўлса очилиб қолаяпти. Қабристонлардан кўтарилган кўринмас чанглар балки биогенераторлар бўлиб хизмат қилиб қолиши мумкин-да. Ҳозир қабристонда анчагина ишлар олиб боріляпти. Лекин булар ҳали фожеанинг олдини ололмайди. Ҳар бир қабристон тўхтовсиз биогенераторга айланиб қолиши ҳеч гапмас.

Энди Орол масаласига ҳеч гап-сўзсиз сиёсий баҳо бериш керак. Бу СИЁСАТ шундай нарсаки, одамларнинг бир оёғини олдинга боғлаб қўйган бўлса, бир оёғини босиб туради. Сиёсатнинг бир қўли қуёшни кўрсатади, бир қўли билан эса одамзоднинг кўзини тўсиб туради. Оролни дунёга «очиқ зона» деб эълон қилиш зарур! Бу ерда яшовчилар нима экса эксин, қайси давлат билан шартнома тузса тузсин, қўйиб бериш керак. Чунки жуда кўплаб чет эл корпорациялари, фирмалари касалхона қуриб берамиз, бир марта ишлатиладиган шприцлар берамиз, завод-фабрикалар қурамиз, ичимлик сувларини тозалайдиган ускуналар қуриб берамиз деб ётибди. Аммо Москванинг «қудратли» панжаси чет элга баъзан хатниям чиқармаяпти. Бу панжа қачон очилади?

МУХБИР, — Мана Ўзбекистонимизда Мустақиллик Декларацияси қабул қилинди. Кўп умидларимиз рўёбга чиқадими деб турибмиз. Лекин ҳали унинг кучи деярли сезилмаяпти. Мен бу гапни бекорга айтмаяпман. Боиси, Россия, Болтиқбўйи, Кавказ орти, Украина томонлардаги аҳволдан хабарингиз бор. Ҳали Ўзбекистондан турли хил молларни, маҳсулотларни тинимсиз ташиб кетиш тўхтагани йўқ. Худо кўрсатмасин, у ёқларнинг «совуқ бўрон»лари бизга етиб келмаётганмикан деб қўрқаман?...

О. МАТЖОН: — Бошда айтдим-ку, «булар жуда устамонлик билан йўл тутишяпти» деб. Бу аҳволда ССЖИ алоҳида ажралиб қолаяпти. Мана армияни оладиган бўлсак, уларни боқиш учун биз ҳам пул тўлаяпмиз. Бундай айирмачилик бўладиган бўлса, бўлиб-бўлиб берсин. Кераги йўқ энди бизни марказдан бошқаришнинг. Дейлик, нега энди Иштихонда майиз етиштирган одам Кореяга сотишни хоҳласа Москва орқали сотади? Савдолашиш керак? Қачонгача бирор ерга борар бўлсак синчков назоратчиларнинг беҳисоб тинтувларига чидаймиз-а. Қўйиб берайлик энди, чет элликлар келсин, кўрсин, бизнинг юртимизда одамлар қандай яшаётган экан?

МУХБИР: — Яна бир гап: ҳозир Оролга сув тушаётганига мен очиғи, унчалик ишонмайман. Умуман, Оролни-ку тўлишидан умидимизни узсак ҳам бўлади. Лекин уни бугунги даражасини сақлаб қолиш ҳам даргумонга ўхшаб қолди...

О МАТЖОН:

— Йўқ, энди Оролни қутқариш ниҳоятда оғир. Юқорида айтдим-ку, Оролнинг куни ўзимизнинг ҲАШАРГА қоладиган ўхшайди. Яна шу халқ ўзини ўзи ўлимдан асраб қолиши мумкин. Бошқа йўл йўқ. Эсланглар: «Катта Фарғона каналини 45 кунда битказганмиз!» деб оламга жар соламиз. Бу тўғри, лекин ҳозир замон бошқача. Ёки БАМни олайлик. Қанча шов-шув солинди. Оммавий сафарбарлик эълон қилинди. Ҳозир БАМ мамлакат учун қандай мақсадларга хизмат қилаётгани бизга қоронғу. Ахир БАМга нисбатан Орол хайрли эмасми? Тепадагилар Орол бўйида рўй бераётган фожеани билмайди дейсизларми? Билади, лекин улар ўлмайди, биз ўламиз.

Ҳозир ҳамма **ДАҲШАТ ТОМОШАБИНЛАРИ** бўлиб турибди. Қўлимизда ҳеч нарса йўқ. Халқнинг аҳволи бу бўлса. Бир илож қилиб қорин тўйдириш амри маҳол бўлиб қолди.

И. САЪДУЛЛАЕВ:

— Ана сизга манқуртлик. Ўзимизнинг ичимизда (бошқа жойни қўятурайлик) ҳали машъум илонлар изғиб юрибди. Улар учун дунёни сув босиб кетмайдими — ...Илон йилида эслангизда бўлса (1989 йил) Оролга бир томчи ҳам сув тушмади. Мана от йилида энди она денгиз қирғоқларига сув келибди деб суюниб турганимизда... Кеча Қорақалпоқ ёзувчиси Ўрозбой Абдураҳмонов Нукусда ўтказилган халқаро анжуман тугаши билан Тахиатош тўғони дарвозаси яна тақа-туқ ёпилганини айтди. Меҳмонлар сув ўтаётганини кўришсин деб очиб қўйишган экан...

О. МАТЖОН: — Суҳбатимизни шеър билан тугатсак. Ҳеч бўлмаса суянчиғимиз шеърият бор-ку...

* * *

Тарихнинг не яна бизга зардаси,
Мунгларга туташди торнинг пардаси,
Икки зўр дарёнинг азиз Каъбаси —
Оролдан узилди барча йўл энди,
Оролим, қурима,
Орол, тўл энди.
Халқда хотира ҳам гўё денгиздир,
Нажмиддин Кубронинг ўчи Чингиздир,
Дунёда Хоразм бирдир, тенгсиздир,
Олам унга сўнг бор чўзар қўл энди,
Оролим, қурима,
Орол, тўл энди.
Пахта деб, бир сенми зардоб хўплаган,
Бир сенми бағрида заҳар тўплаган,
Кимлар сени зўрлаб, кимлар кўплаган,
Давроннинг юзлари ёшдан ҳўл энди,
Оролим, қурима,
Орол, тўл энди.
Яшил харитада-жойингда бўлгил,
Бу қийналган элнинг пойида бўлгил,
Абадий ўз от-обрўйингда бўлгил,
Фарёд, шўрлаб борар ўнгту сўл энди
Оролим, қурима,
Орол, тўл энди.
Ота-бобом ҳокин кўмса гар тузлар,
Урганчни, Хивани унутса кўзлар,
Биз қайда-кимларга чўкармиз тизлар,
Паҳлавон Маҳмуднинг руҳи бўл энди,
Оролим, қурима,
Орол, тўл энди.
Келажакка не деб жавоб этармиз,
Танадан, қарғишдан қайга кетармиз,
Диёрни ўлдириб, яшаб нетармиз,
Бизнинг орқамизда қолар чўл энди,
Оролим, қурима,
Орол, тўл энди.
Дерларки, оққан сув оқмайин қолмас,
Қурима, қурисанг ўрнинг ҳеч тўлмас,
Туркман, Қорақалпоқ, Хоразм ўлмас.
Осиёнинг қалби, жони бўл энди,
Оролим, қурима,
Орол, тўл энди.

«Ёш ленинчи» махсус мухбири
Норқобил ЖАЛИЛ ёзиб олди.

«Ҳурматли редакция! Эшитишимча, машҳур «футбол қироли» — Пеле яқинда уйланган эмиш, шу ростми? Пеле футбол билан хайрлашгандан кейин негадир у ҳақда кўп ёзишмаяпти. Мени (эҳтимол, барча футбол ишқибозларини ҳам) унинг ҳозирги ҳаёти, қандай ишлар билан машғуллиги қизиқтиради. Шу ҳақда мақола эълон қилишнинг иложи борми!

Обид ИБРОҲИМОВ,

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика билимгоҳи толиби».

ПЕЛЕ ЎЗИ ҲАҚИДА
СОБИҚ ФУТБОЛЧИНИНГ РЕЖА, ЎЙ ВА ОРЗУЛАРИ

Бундан саккиз йил муқаддам, Пеле хотини Роза Чолби ду Насименту билан ажрашган кунлари Рио-Де-Жанейрода чиқадиган «Маншети» ойномасида у билан мусоҳаба эълон қилинган эди. Унда машҳур футболчи шахсий эркинлигини олтин билан баробар деб ҳисоблашини билдирганди. Ўшанда уни тўрт нафар манекенчи (либосларни кийиб кўз-кўз қиладиган) қизлар — Шуше, Луиза Брунет, Марсия Бруту ва Изабелла билан суратга олишганди. Уларнинг учтаси ана шу воқеадан кейин мамлакатда шуҳрат қозонишди. Изабелла эса машҳур бўлолмади. Чунки у турмушга чиқишни афзал кўрди...

Яқинда Пеле яна «Маншети» учун интервью беришга, шу билан бирга сиёсат ва порахўрлик каби муносабатларга масалалар юзасидан ўз фикрини билдиришга рози бўлди. У тағин, худди бундан саккиз йил олдингидек яна тўрт нафар манекенчи қизлар билан расмга тушишга ҳам розилик берди. Чунки энди ишни бошлаган бу қизларни ҳали кўпчилик танимайди. Сурат Пеледан нега ҳамон уйланмаганлигини сўраш учун жуда қўл келиб қолди.

— Балки мен яна бу қизларга ҳам бахт келтирарман, — деди у.

Суҳбатда тўрт нафар офатижон қизлар (Анжелита Фейжо, Патриси Машаду, Симона ва Изабела Берг)нинг иштирок этиши «бўйдоқ» Пелени тўлқинлантириб юборгандек бўлди. У бор ғазабини тўлалигича сиёсий арбобларга ағдарди. Уларнинг сиёсатфурушликлари ҳақида ўйлаганида уятдан ерга киргудек ҳолга тушишини айтди. Яна уйланиш ва бошқа масалалар ҳақида гапирди. Суҳбатлардан шу нарса маълум бўлдики, фуқаро Эдсон Арантис ду Насименту учун кўп таклифларга биноан энди мамлакатнинг сиёсий ҳаётида янада фаолроқ иштирок этиш вақти келди. Шахсан у сенатор ёки конгресс депутати ёхуд спорт вазири бўлишни ҳоҳлаганда эди... Маълум бўлишича, унинг иштироки халқ ҳаракатлантираётган шарт-шароитларни янада яхшилаш учун фаол ва маълум йўналишга қаратилган бўлиши керак. Чунки Бразилиядек бой мамлакатда очлик туфайли ҳаёт билан видолашаётганлар сони ортаётир...

Қуйидаги мусоҳабадан қачондир Баурада истиқомат қилган пойафзал тозаловчи, ҳозирда эса уч фарзанднинг отаси 47 ёшли Эдсон Арантис ду Насименту — Пеле номи билан жаҳонда машҳур инсоннинг нималар ҳақида ўйлаши ва қандай ишлар билан шуғулланишини эканлиги ҳақида билиб оласиз.

САВОЛ. — Пеле, айтинг-чи, ўзингизни чет элларда яхши ҳис этасизми ёки Бразилиядами?

ЖАВОБ: — Яхшиси, у ёқларда бўлаётган ва бу ерда бўлаётган масалалар ҳақида гапириш керак. Масалан, мен — футболчи, АҚШда (Американинг «Космос» клубида ўйнаб, биринчиликни қўлга киритган) катта муваффақиятлар қозонар эканман, мени Никсондан то Рейгангача (Форд ва Картерлар ҳам) шахсан табрикладилар.

Уларнинг ҳаммалари ҳатто мени Оқ уйга таклиф қилишиб, минглаб ёшларни футбол билан жиддий шуғулланиш иштиёқида гиёҳвандлик билан ўралашишни бас қилаётганликлари учун менга ташаккур билдиришган. Бу ерда (Бразилияда) эса бирон марта ҳам ундай бўлгани йўқ, на шаклда ва на мазмунда. Тўғри, президент Сарней икки маротаба саройга таклиф қилди. Аммо бу учрашувларда АҚШдагига ўхшаган масалалар юзасидан ҳеч қандай гап-сўз бўлмади. Бразилиянинг Сарнейдан олдинги президентлари ҳам ўз вақтида мени саройга таклиф қилишганди. Аммо суҳбат мавзуи футболда жаҳон биринчилигини қандай қўлга киритиш билан боғлиқ бўлган холос. Шунчаки инсоннинг жамоат ишларидаги фаолияти учун унга ташаккур билдириш — бизда одат бўлмаган.

1969 йилдан буён ҳукумат ва аҳолининг диққат-эътиборини болалар томонидан содир этилаётган ҳар хил жиноий ишларнинг олдини олиш масаласига қаратиш учун уринаётганим мамлакатимизда барчага маълум. Мен навқирон авлоднинг келажаги учун курашаман. Уларни гиёҳлар билан савдо-сотиқ қилувчиларнинг арзон ўлжасига айланиб қолмасликларини истайман. Ўшанда мени демагог деб аташди ва ҳар томондан танқид қила бошладилар. Аммо, менга қулоқ солишганда эди, ҳозир бизда болалар томонидан содир этилаётган жиноятлар бу даражага бориб етмасди. Агар бизда мактаблар янада кўпроқ бўлсайди, агар болаларимизнинг соғлиғи учун жиддийроқ ғамхўрлик қилинганида эди, уларнинг ягона орзуси овқатланишдан иборат бўлмаганида эди, уларнинг тарбияси тўғрисида жиддийроқ ўйлаганимизда эди, шубҳасиз, уларни ёрқинроқ келажак билан таъминлаган, кўчаларда дайдиб юришларига чек қўйган ва шу билан бирга ёш авлодга анчайин фаровон ҳаёт кечириш учун катта имконият берган бўлардик. Америкаликлар ва оврупаликлар бу муаммоларга кенгроқ нуқтаи назар билан қараб фикр айтишимга мажбур қилишди. Булар ҳақида гапирсам у ерда мени эшитишади, эътибор беришади. Аксинча, фахрий унвон беришади, қўллаб-қувватлашади. Албатта Бразилия халқи ҳам ўз Пелесини севади. Лекин...

САВОЛ: — Сизнинг образингиз болалар жиноятчилиги ва гиёҳвандликка қарши кураш миллий компаниясининг ўзига хос тимсоли бўлиб қолишини хоҳлармидингиз?

ЖАВОБ: — Албатта хоҳлардим. Мен гиёҳвандлик билан курашувчи ҳар қандай компания — хоҳ у давлат томонидан бўлсин, хоҳ хусусий — бирга иш олиб боришга тайёрлигим ҳақида гапирганман. Буни ҳозир ҳам қайтараман. Гиёҳвандлик одамни бошқа берк кўчага олиб боради. Бу инсон ҳаётидаги катта кўргулик.

Америка ва Оврўподаги мактаб ҳамда дорилфунунлардаги учрашувларда ўқувчи ва талабаларга жуда кўп маротаба «гиёҳлар ёмон одамни ҳеч қачон яхши қилиб қўймайди» дея гапирганман. Аксинча бўлади деганман. Улар кўп нарсаларга қодир бўлган одамни гиёҳ йўлидан олиб қолади. Мен тингловчиларимга гиёҳвандлар туфайли ҳалок бўлган кўплаб иқтидорли қўшиқчилар, бастакорлар, ёзувчилар ва спортчиларнинг аянчли номларини айтаман. Менинг улар томонидан ҳурматга лойиқ гапларни ўзимизда — Бразилияда ҳам айтишим мумкин эди. Ҳолбуки бунга иқтидорли қўшиқчимиз Элис Режинанинг фожиаси ҳам гувоҳ бўла олади. Унинг бетакрор овози [illegible] мумкин эди... Гиёҳларга ўргатилганлардан ҳеч қандай яхшилик чиқмайди — мана менинг америкалик болаларга айтганларим. Худди шу гапларни бразилиялик болаларга ҳам айтишим мумкинмиди?

САВОЛ: — Кўп мамлакатларнинг президентлари билан бўлган мулоқотларингиз Сизни йирик сиёсатчи қила оладими? Нега бир вақтлар ўзингиз четлаб ўтган мавзулар ҳақида бугун гапиряпсиз?

ЖАВОБ: — Келинг, аввало, давлатларнинг раҳбарлари билан бўлган мулоқотларим ҳақида гаплашайлик. Бир вақтлар жумҳурият президенти бўлмоқчилигимни айтганимда кўплар мени ақлдан озибди, деб ҳисоблашди. Бошқа бировлар эса ҳали менда сиёсий фаолият тажрибаси йўқлигини айтишди. Мен ҳақимда ҳар икки тарафдагилар ҳам хато қилишди. Ишончим комилки, кўпчилик бразилиялик сиёсатчилар мен тўплаганчалик сиёсий тажрибага эга эмаслар. Мен бу тажрибани йиллар давомида, кўпни кўрган сиёсий арбоблар билан мулоқотларда, одамларни кузатиш ва улар билан турли мавзуларда суҳбатлашиш орқали тўплаганман. Савол туғилади: — Нечта сиёсатчиларимиз шундай ҳаётни яшаб ўтишган ва шунга яраша билим тўплашган? Жуда кам. Президентнинг яхши маслаҳатчилари бўлиши керак. Бу шубҳасиз. Президент ўз атрофига доимо маслаҳатчиларни ва ишончли кишиларни тўплаши керак. Менда эса тажриба бор. Президент постига ўз номзодимни тавсия қилиш ҳақида гапирганимда ва мени сўзларимни [illegible] кўпчилиги сотилувчи кишилардир...

САВОЛ: — Президентлик курсисини эгаллаш... Сиз ўта жиддий даъватни ўртага ташламаяпсизми?

ЖАВОБ: — Мен бутун умр даъватлар билан яшайман. Ота-онам ва дўстларимга сиёсий фаолият билан шуғулланишни кўзлаганлигим ҳақида гапирганимда, улар мени бу йўлдан қайтаришмоқчи бўлишди. Гўё мен бу билан ҳаётимни хавф остида қолдирармишман. Чунки ҳалол эмишман. Аммо ўлим мени қўрқитолмайди. У истаган вақтда, истаган жойда рўй бериши мумкин. Мен ўтган йилимда, тайёрада ёки юрак хуружидан ўлишим ҳам мумкин-ку? Мабодо мен Бразилия халқи учун бирон бир яхшилик қилиб ўладиган бўлсам, унда ўлимим ўзини оқлаган бўлади. Мен ҳамиша зарур деб билган ва худога маъқул бўлган ишларнигина қиламан. Худди ана шу ўлимнинг муқаррарлигини мени ота-онам ўргатганларидек, ҳалол ва виждон амри билан яшашга мажбур этади. Биламанки, менинг бу сўзларим кўпчиликка хуш ёқмайди. Айниқса, манфаатпараст, амалфуруш кишиларга. Аммо бу ўша кимсаларнинг муаммолари, менинки эмас.

Бразилиядаги муваффақиятларгина менга йирик шартномалар тузиш имконини берди. Аввалари эса, тан олиш керакки, ўша корчалонлар Пелега анчайин писандсизлик билан қарашарди.

САВОЛ: — Бошқачароқ қилиб айтганда, Пеле энди миллионлар соҳибига айланди. Қандай ўйлайсиз, агар истаган тақдирингизда ҳозир ҳамма ишларингизга нуқта қўя олармидингиз?

ЖАВОБ: — Йўқ! Чунки мен тўққиз ёшарлигимдан бери бетўхтов ишлайман. Шунинг учун ҳам энди тўхташнинг иложи йўқ. Иқтисодий томондан эса, умримнинг охиригача, болаларим ва оилам билан ҳозиргидай аъло даражада яшашим мумкин. Аммо менинг шиорим — яратиш!

САВОЛ: — Шундай қилиб, қачонгача пулдор ва бўйдоқ бўлиб қолмоқчисиз?

ЖАВОБ. — Уйланиш учун аввало қаттиқ севиш керак. Никоҳ одамни кўп нарсалардан тияди. Бу «воз кечилган» нарсаларни фақат муҳаббатгина оқлаши мумкин. Мени ҳозирги сафарларга бой ҳаётим эса оилавий муносабатларни мураккаблаштириб қўйиши мумкин эди. Қачондир қалбимда шундай ардоқли орзу бор эди: футбол

САВОЛ. — «Эмбратур» (Бразилиядаги туристик компания) линияси бўйича саёҳат қилишдан ташқари келгусида яна қандай режаларингиз бор?

ЖАВОБ. — Режалар кўп. Мен Монако қироличаси Стефания билан бир фильмда суратга тушишим керак. Собиқ футболчи Платини билан ҳам. Бир ойноманинг муқоваси учун Брук Шильдс билан расмга тушиш, улардан ташқари яна иккита фильмда суратга тушишга таклиф қилишган... Булар энг яқин режалар. Аммо сиёсат билан шуғулланиш учун вақт топилади ва ҳозир энг асосий мақсад худди ана шу.

* * *

Орадан икки йил ўтди. Яқинда «Правда» рўзномасида (23 июль 1990 йил) Пеле ҳақида Сиз кўриб турган сурват билан унча катта бўлмаган мақола ҳам эълон қилинди. Ундан Пеленинг бугунги ҳаётига оид кўп нарсаларни билиб олиш мумкин.

ПЕЛЕ УЙЛАНАДИ

«Қирол»нинг туғилган кунини тантанали равишда нишонлаш учун катта тайёргарлик кўрилмоқда. У 50 ёшга тўляпти. Юбилярнинг ҳуқуқларини бутун дунё тан олади. Ахир гап «футбол қироли» Эдсон Арантис ду Насименту ёки оддийгина қилиб айтганда Пеле ҳақида кетяпти-да.

Бразилиянинг «Қора жавоҳири»ни муборакбод этиш маросимини Лондондаги «Уэмбли» стадионида ўтказишга қарор қилинди. Бунинг устига Пеле шу куни 90 минут давомида майдонни тарк этмай ўйнашга қаттиқ ваъда берди. Ахир кўпдан бери бу даражада ўйнамаганди. Ана шу мақсадда у ҳозирдан қизғин тайёргарликка киришди. Ҳар куни икки соатдан майдонда тўп ўйнайди, узоқ вақт югуради.

Ушбу сурат шунчалик эсдалик учун эмас. Пеле ўз каллиғи Флавия Кавалканти билан бирга машқ қилишни жуда хуш кўради. Дарвоқе, эндигина 20 ёшга қадам қўйган Флавия «Бразилия маликаси-89» шарафли унвони совриндори. Севишганлар тўйни «Уэмбли»даги тантаналардан кейин ўтказишмоқчи. Келин ҳам Бразилияда ўзига яраша ном қозонган. Маҳаллий реклама нашрларида унинг гўзал қомати, сиймоси тез-тез кўзга ташланиб туради. Нега энди тўйни барвақтроқ ўтказиш мумкин эмас? Чунки Флавия гўзаллар конкурсида иштирок этиши керак. Конкурс қатнашчиси эса шартга биноан турмушга чиқмаган бўлиши керак.



ПЕЛЕНИНГ ИККИНЧИ ҲАЁТИ



нотўғри тушунганларида ҳам мен Бразилия халқининг камроқ қийналиши учун имкони борича ҳаракат қилмоқчи эканлигимни такрор ва такрор айтаман. Бразилиядек бой мамлакатда қанчадан-қанча кишини ҳалигача очликдан ўлиб кетаётганликларини кўриб кўрмасликка олиш — бу жиноят. Буни сира ақлга сиғдириб бўлмайди. Мен шундай ўйлайман. Афсуски, менинг фикримни нотўғри талқин қилишади. Мени президент бўлишимга имконият борлигини одамлар эшитганларида кўплар чўқиниб, яна такрор айтаман, «бу нима бало, ақлдан озганми» дейишди. Халқ жафоларга шунчалик ўрганиб қолганки, ҳатто, ҳалол, кўпни кўрган, моддий жиҳатдан эса яхши таъминланган, демакки ҳеч кимга сотилмайдиган, бирдан-бир мақсади халқнинг олдида турган кўплаб муаммоларни ҳал қилиши лозим бўлган одамнинг номзодини жиддий қабул қилишолмайди.

Мен Бразилия халқига ёрдам бериш ҳақида гапирарканман, аввало халқни қашшоқликдан қутқаришни хоҳлайман. Гап шундаки, бизнинг ҳозирги сиёсатчиларимиз кўпгина ижтимоий ва иқтисодий муаммоларимизни ҳал қилишолмайди. Чунки бунга уларда хоҳиш йўқ. Мамлакат бой. Гўё барча муаммолар порахўрликда. Виждонан ишлайдиган, софдил одамларга қараганда сотқин давлат арбоблари кўпроқ. Бизда яхши, ҳалол сиёсатчилар ҳам бор. Аммо улар жуда кам ва жуда оз нарсаларгагина қурблари етади, холос. Ҳа, афсус-

Ўйлайманки, Бразилия учун энг тўғри келадиган сиёсий тузум — бу Швейцария, Швеция ва Югославия мамлакатларидаги тузумларнинг қандайдир уйғунлашуви бўлса керак. Бразилиялик шуни англамоғи лозимки, барча рўшноликларнинг негизи меҳнат ва тартиб, интизомдир. Бу фақатгина миллат тақдирини ҳалол сиёсатчилар ҳал қилганларидагина амалга ошади. Бизнинг халқимиз доно ва меҳнатсевар. Унга фақат биргина нарса — ўз тақдирини ўзи ҳал қилишда фаоллик етишмайди. Мана шу нарса бўлгандагина биз очлик ва қашшоқликка барҳам беришимиз мумкин.

САВОЛ: — Кўпчиликнинг ҳисоблашича, сизнинг АҚШга кўчиб ўтишингиз ҳаётингизда катта аҳамият касб этган ва Бразилияда қолганингизда эди, ҳозирги иқтисодий ҳолатингиз бошқача бўлиши мумкин эди. Шу тўғрими?

ЖАВОБ: — Мабодо АҚШга кўчиб бормаганимдаям менинг иқтисодий аҳволим жуда яхши бўларди. Албатта, мен Қувайтга, Саудия Арабистонига, Испания ёки Италияга ҳам боришим мумкин эди. Мени кўп жойларга таклиф этишган. Лекин унда мен бир нарсани ютқазган бўлардим — ИШОНЧНИ. АҚШдаги муваффақиятлардан кейин жамиятдаги шундай табақаларнинг ишончларини қозондимки, аввалари худди шу табақадагилар мени сира тан олишмасди. Улар сармоячи, хазиначи ва шу тоифадаги кишилар эдилар. Фақат АҚШ-

билан хайрлашсам, осуда яшайман ва камроқ сафар қиламан, дердим. Аммо янглишган эканман. Сафарлар футбол ўйнайдиган пайтларимга қараганда янада кўпайди. Одамлар билан мулоқот, улар билан биргаликда яшашга вақт жуда кам.

Яқингинада Парижда француз лотереяси учун ишланаётган видеофильмда суратга тушаётганимда жуда ҳам гўзал бир манекенчи қиз билан танишиб қолдим. Айримлари билан ҳатто ресторанда ҳам бўлганман. Лекин бу муносабатлар узоққа чўзилмади. Айнан ўзаро жиддий муносабатлар етишмаяпти.

САВОЛ. — Бизга шу нарса аниқ бўлиб қолдики, Сиз жиддийроқ муносабат ўрнатиш мақсадида танишган қизлар негадир доимо бразилиялик бўлиб чиқишади. Бундай миллий «танлаш»нинг сабаби нимада?

ЖАВОБ. — Ўйлайманки бу менинг тарбиям ва қалбимнинг ҳолатига боғлиқ бўлса керак. Худди шу нарсалар уйланиш учун бразилиялик қизни танлашга мажбур этади. Балки у ҳақда кўпроқ билиш мумкинлиги учун ҳам шундайдир. Бундан ташқари лотинча «ҳис қилиш» деган тушунча бор. Лотинча севги — Америка ёки Оврўподагидан тубдан фарқ қилади. Балки ҳамма гап шундадир. Аммо мени тўғри тушунинг, ўзим учун умр йўлдош танлар эканман, унинг миллатига аҳамият бермайман. Асосийси, бу эмас. Яна бир нарса — мен уйланишга тайёрман.

Шуни айтиш кераки, келин билан куёвнинг ўртасидаги фарқ (30 ёш) ҳар икки томонни ҳам ташвишлантирмайди. «Агар билишни хоҳласангиз, Пеле мен билан тенгқурларнинг кўпларидан ёш кўринади», — дейди ишонч билан келин.

«Флавия ўзининг тўғрисўзлиги ва покизалиги билан қалбимни ром этди. Унга ҳаётий тажрибага эга бўлган умр йўлдоши керак», — деб ҳисоблайди Пеле.

«Уэмбли»даги ўйинни тайёрлаш учун Бразилия миллий терма командаси тренери Себестьян Лазарони таклиф этилган. Шундай қилиб футбол мухлисларини жуда қизиқарли ўйин кутмоқда.

Пеле мамлакат президенти бўлиш учун кураш фикридан қайтмадимикан? Журналистларнинг бу саволларига «Футбол қироли» шундай жавоб берди: «Аввал уйланиб олай, кейин бу масала тўғрисида жиддийроқ бош қотираман. Ҳали ҳаммаси олдинда!..»

Русчадан Ҳайдар АКБАР таржимаси.

(Мақола марказий матбуот материаллари асосида тайёрланди).

ТВ

24 ОКТЯБРЬ — ЧОРШАНБА

● **ЎзТВ I**

11.25 Кўрсатувлар тартиби. 11.30 Ўзбекистон халқлари тарихи. Ўзбекистонда ер-сувислоҳоти. 12.00 «Қаҳрамон Дадаев». Фильм-концерт («Ўзбектелефильм»). 12.30 Такрорий фильмлар экрани. «36—80» квадратдаги ҳодиса». Бадиий фильм.

* * *

18.00 Кўрсатувлар тартиби. 18.05 Янгиликлар. 18.10 Мультфильм. 18.15 «Фанга бағишланган умр». Профессор Аюб Ғуломов. В. И. Ленин номидаги Тошкент Давлат дорилфунунининг 70 йиллиги олдидан. 18.50 «Элга хизмат: талаб ва таклиф». 19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.50 «Бобурнома». Асар яратилганлигининг 460 йиллигига. 2-кўрсатув. 20.30 «Ахборот». 20.50 «Севаман олтин куз». Мусиқий кўрсатув. 21.30 Москва. «Вақт». 21.55 «Ижод саҳифалари». Жуманиёз Жабборов. 23.00 «Наврўз-90». Ўрта Осиё ва Қозоғистон жумҳуриятлари театрларининг фестивалига бағишланган кўрсатув. 24.00 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● **ЎзТВ II**

19.00 Кўрсатувлар тартиби. 19.05 «Асрлар оша». Бобур (рус тилида). 19.35 «Тошкенбоевлар сулоласи». Телефильм. 20.00 «Тошкент» хабарлари. 20.10 «Безнен мирас» (татар тилида). 20.50 «Дўстлик тароналари». Концерт.

ДУШАНБЕ КЎРСАТАДИ:

21.30 Москва. «Вақт». 22.00 «Бех аз санноъи олам деҳқон аст». Пахтакорлар учун кўрсатув. 22.50 «Ҳур қизлар». Бадиий фильм. 1-серия. (рус тилида).

● **МТ I**

7.00 «120 минут». 9.00 «Америка фожиаси». Тўрт серияли телевизион бадиий фильм. 3-серия — «Эҳтирослар». 10.15 «Мимикричи» масхарабозлар театри Останкино концерт студиясида. 11.00 «Сўз». Адабий-бадиий программа. 13.00 «Вақт».

* * *

16.00 «Махфий фарватер». 2-серия. 17.10 «Мусиқий хазина». Ф. Шопен асарларини Э. Анжапаридзе ижро этади. 17.50 Болалар соати (инглиз тили дарси билан). 18.50 «Бўри билан етти эчки боласи янгича кўринишда». Мультфильм. 19.00 «Вақт». 19.30 «Янгиланаётган жамиятда тарихий хотира». «Коммунист» ойномасининг давра суҳбати. 20.15 «Америка фожиаси». Тўрт серияли телевизион бадиий фильм. 3-серия — «Эҳтирослар». 21.30 «Вақт». 21.55 «Эфирда мусиқа». Танаффус пайтида (22.55) — «ТСН».

● **МТ II**

13.05 «Милиция сержанти». Уч серияли телевизион бадиий фильм. 2-серия. 14.10 Бородин номли Давлат квартетининг концерти. 14.50 Такрорий телефильмлар сеанси. «Ботқоқликдаги кишилар». «Полесье воқеаси». Саккиз серияли телевизион бадиий фильм. 6-серия. 15.55 Украин мусаввир-монументалисти М. Л. Байчук хотирасига бағишланган ҳужжатли фильм. премьераси.

* * *

17.30 «Майда ёмғир». Мультфильм. 17.40 РСФСР шаҳарлари телестудиялари. «Қуёш тутилган пайтдаги жамоа портрети» (Мурманск). 18.10 «Сизга қўшиқ куйлаб берайин». Муаллиф ва ўз қўшиқлари ижрочиси Алексей Колосов ижоди ҳақида. 18.35 Коллаж. 18.40 Иттифоқдош жумҳуриятлар кинопублицистикаси. «Сирли диагноз». Черновцида болаларни кўплаб касалликларга чалиниш сабаблари ҳақида ҳужжатли фильм премьераси (Украина хроникал-ҳужжатли фильмлар студияси). 19.00 «Вақт» (сурдо таржимаси билан). 19.30 «Григ ҳақида афсона». Мультфильм. 19.45 «Юргенс кўрфази». Телевизион ҳужжатли фильм (Новосибирск). 20.15 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! «Винни-Пух меҳмонга боради». Мультфильм. 20.30 ССЖИ Олий Кенгашининг сессиясида. 21.30 Ф. Красиловский куйлайди. 21.55 Футбол. Европа кубоклари. 23.50 Волейбол. Жаҳон чемпионати. Эркаклар. Бразилиядан кўрсатилади.

Диққат, хайрли иш

ҲИССА ҚЎШИШИНГИЗ МУМКИН

Клубимиз 15 йилдан буён хайрли иш билан машғул. Улуғ Ватан уруши йилларида фашистлар томонидан босиб олинган ерлардан кўчирилган етим болаларнинг ота-она, қариндошларини топишда Қизил изтопарлар ҳақиқий жасорат кўрсатишди. Ўнлаб оилалар бу сермеҳнат, машаққатли қидирувлар натижасида 40—50 йилдан сўнг дийдор кўришдилар. Улар ҳақида Ўзбекистон ва Украина кинематографчилари ҳужжатли фильмлар яратишди, пойтахт телевидениеси 20 га яқин кўрсатув берди.

Мукофотга тақдим этилган уруш ветеранларига (турли сабабларга кўра улар топширилмай қолинган) орден-медалларини олишда ёрдам қилинди.

Ишимиз серқирра. Кенг миқёсда ҳаракат қилишимиз учун эса, афсуски, маблағимиз йўқ. Шу сабабли кўпгина қидирувларимиз поёнига етмай қолаяпти. Узоқ сафарларга чиқиш, архив материаллари билан танишиш, суратлар олиш озмунча харажат талаб қиладими? Боз устига, кўп марта айтишимиз, илтимос қилишимизга қарамай, клубимиз таъмирланмаган. Китоб жавонлари илма-тешик, расталар йўқ. Ноёб ва қимматбаҳо ҳужжатлар, архив материалларини сақлайдиган жойнинг тайини йўқ.

Юқоридагиларни ҳисобга олиб, шаҳар ижроқўми Бутуниттифоқ «Қидирув» клубимиз учун Ғиждувон шаҳридаги 3584-жамғарма банкида 000164401 сонли ҳисоб очишга розилик берди.

Клубимиз фаолияти савоб ишлардан иборат. Клубимизга ўз моддий ёрдамини қўшмоқчи бўлган саховат эгаларига олдиндан миннатдорчилик билдирамиз.

Э. ЛАТИПОВ,
В. Порик номли Бутуниттифоқ «Қидирув» клуби раҳбари.

Муҳаррир Жаббор РАЗЗОҚОВ.

Ёш ленинчи

«Молодой ленинец» орган ЦК ЛКСМ Узбекистана
Издаётся на узбекском языке.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700083, ТОШКЕНТ ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32-УЙ.

ТЕЛЕФОНЛАР:
ҚАБУЛХОНА 32-56-58
ХАТЛАР БЎЛИМИ 32-54-65
ИНДЕКС: 64607.
513500 НУСХАДА ЧОП ЭТИЛАДИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси.

1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12

Д. — 28600.